



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: МЕҲНАТИМИЗ, ИЛМИМИЗ ВА ҲАРАКАТИМИЗ БИЛАН АНДИЖОН КЕЛАЖАГИНИ ҚУРАМИЗ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, истиқболдаги режаларни белгилаш мақсадида 17 июнь куни Андижон вилоятига келди.

Избоскан туманининг Қўғай маҳалласи — энг чекка ҳудудлардан бири. Иқтисодий имкониятлар натижасида қишлоқларга ҳам санат кириб бормоқда. Бу аҳолини иш билан таъминлашда жуда муҳим.

Яқинда ушбу маҳаллада “Сохиб омад баракаси” кластери томонидан

“And gold” тикув-трикотаж корхонаси ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур фабрика фаолияти билан танишди.

Қиймати 2 миллион 500 минг доллар бўлган лойиҳа доирасида янги бино қурилиб, замонавий ускуналар келтирилиб ўрнатилган. Корхона йилига

3 миллион 500 минг донга тайёр трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларни 100 фоиз экспортга йўналтириш режалаштирилган. Бу борадаги йиллик имконият 5 миллион доллардан зиёд. Калава ил етказиб бериш бўйича Хитой ва Россия билан шартнома тузилган.

Корхонада ҳозирча 830 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Президентимиз улар билан суҳбатлашди.

— Сизларга ўзимнинг хурматини, муҳаббатини билдираман. Уларингиз яшайдиган қишлоқда ишли бўлганларингиздан хурсандман. Қачон Избосканда мана шундай замонавий корхона бўлган? Бу ишларни яна давом эттирамиз. Хотин-қизларимиз учун ҳамма шароитларни яратамиз. Аёл ишли бўлиб, кайфияти яхши бўлса, оиласи ҳам бахтли бўлади. — деди Шавкат Мирзиёев.

Мазкур корхона тўрт ойда қуриб битказилган. Фабрика тўла қувватга чиққанда, чекка ҳудуддаги 1 минг 200 нафар киши доимий иш билан таъминланади.

Ўз қишлоғида иш билан таъминланган хотин-қизларнинг дил изҳорини корхона ишчиси Нозима Ҳақимова Президентимизга етказди:

— Мен шу юртининг бахтли аёлиман. Оилам тинч, фарзандларим соғсаломат. Қишлоқда ҳамма шароитга эга корхонага ишга жойлашдим. Чекка қишлоқлар аҳолисини даромад билан таъминлаш бўйича ислохотларни амалга оширасиз. Бундан одамлар хурсанд, — деди у.

“Сохиб омад баракаси” кластери 8 минг гектар ерда пахтачилик билан шуғулланади. Кластернинг калава ил ва мато тўқиш корхоналари бор. Келгусида Андижон туманида яна битта тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи фабрика, Шахрихон туманида бўяш цехини ишга тушириш режалаштирилган.

Шу ерда Андижон вилоятда санат тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари Пахтабод туманидаги инновацион иссиқхонани кўздан кечирди.

Инновационлиги шундаки, бу жой илгари тош-шағал карьери бўлган. Ердан унумли фойдаланиш сиёсати натижасида у экинзорга айлантилди. “Мега агро” масъулияти чекланган жамияти бу ерда Испания технологияси асосида иссиқхона барпо этди.

Бу технологияда экин полиэтилен қувурчалар орқали суғорилади. Энг муҳими, сув исроф бўлмади, доимий айланиб туради.

Тадбиркор учун 16 гектар ер ажратилган. Шундан 6 гектариди очиқ ва ёпиқ иссиқхона ташкил этилган. Яна 2 гектарда Туркия ва Испаниядан олиб келинган замонавий ускуналар ўрнатилмоқда.

Иссиқхоналарда “Айсберг” карами, помидор, бодринг, уларнинг кўчатлари ва ҳар хил кўчатлар етиштирилади. Уларни юртимиз бозорларига етказиб бериш, шунингдек, йилига 1 миллион 500 минг долларлик экспорт қилиш режалаштирилган. Корхонада 100 та иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари Андижонда металл конструкциялар корхонаси ташкил этиб, четдан сотиб олинаётган материалларни маҳаллийлаштириш, хусусан, иссиқхона деталларини ишлаб чиқариш бўйича топшириқ берди. Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар институти вилоятда аграр соҳани инновацион ривожлантиришга акселератор бўлиши кераклиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Избоскан туманидаги “Рустамжон Замин ривож” фермер ҳўжалиги даласида ғалла ҳосилини кўрди.

Ҳўжалиқда 55 гектардан зиёд ерга бугдой экилган. Унинг ҳар гектаридан 72 центнердан зиёд ҳосил олиш кутилмоқда. Шундан 177 тонна давлат ресурслари учун сотилади, 225 тонна ўз ихтиёрида қолади.

13 гектарда ёмғирлатиб суғориш жорий қилинган. Ғалладан бўшаган майдон такрорий экин экиш учун 200 нафар аҳолига ажратиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ғалланинг нави, ҳосилдорлиги билан қизиқди.

— Ғалла ҳосилдорлигини 100 центнерга чиқариш чораларини кўриш керак. Шунда фермернинг ҳам, ишчиларнинг ҳам даромади ошади. Даромади кўпайса, фермер илмга эътибор беради, янгила ишлашга ўтади, қўни-қўшини

сига, ёшларга фойдаси тегади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда вилоят фермерлари, ёшлар вакиллари билан мулоқот бўлди.

— Бугун Андижонга келишимдан мақсад одамлар ислохотларнинг фойдасини сезяптими, рўзгориди ўзгариш бўлди, халқни рози қилиш учун яна нималар қилиш керак, деган саволларга жавоб топиш, — деди Президент. — Юриб кўряпман, албатта, ўзгариш бор. Лекин бу бизни қониқтирмайди. Янада кўпроқ ишчи жойлар, маҳаллаларда шароитлар қилишимиз керак.

Учрашувда қишлоқларда санатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хонадонларда паррандачилик, томорқачиликни кенгайтириш масалалари ҳақида сўз борди.

— Ислохотларнинг кучи — маҳаллада, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Избоскан туманидаги Урганчи маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Маҳаллада 3 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу йил 915 ўринли умумтаълим мактаби таъмирдан чиқарилди. Барча кўчалар обод бўляпти. Унлаб кичик бизнес субъектлари аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

Дастур бўйича гузардаги бино қайта реконструкция қилиниб, оталар чойхонаси, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, “Street Workout” спорт майдончаси, “Рақамли маҳалла” IT-маркази бунёд этилди. IT-марказида болалар компьютер саводхонлиги, киберспорт, дастурлаш каби амалларни бажаришни ўрганяпти.

Одамларнинг ўзи ҳам хунарманд, миришкор. Жумладан, деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга 10 сотихдан ер ажратилди. Маҳалладаги 150 та хонадонга 50 тадан парранда берилиб, ўзини ўзи банд қилиши таъминланган.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КАМОНДАН ОТИШ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш, буюк аждодларимиз Амир Темур, Бобур Мирзо, Жалолiddин Мангубердилардан мерос бўлиб қолган камондан отиш аъналарини ва қадриятларини келажақ авлодларга етказиш, миллий спорт турларини кўпайтириш, камондан отиш спорт тури бўйича миллий терма жамоамизнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида, жаҳон чемпионатларида ва бошқа йирик мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар камондан отиш спорт турини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

профессионал спортчилар, малякали тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда

уларни касбий ривожлантириш, ўқув-машғулотлар жараёнига илғор илмий-инновацион технологияларни кенг жорий қилиш ва ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотларни олиб бориш;

ушбу спорт тури билан шуғулланиш учун зарур моддий-техник база ва инфратузилмани шакллантириш ҳамда замонавий спорт анжумлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси билан таъминлаш, Ўзбекистон камондан отиш федерацияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар томонидан паракамондан отиш спорт тури билан шуғулланиш учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг Паралимпия ва Параосиё ўйинлари ҳамда халқаро мусобақалар, турнирлар ва жаҳон чемпионатларида доимий ва муносиб иштирокини таъминлаш;

республика ва халқаро мусобақалар, турнирларни ҳамда жаҳон чемпионатларини доимий равишда ташкил этиш ва ўтказиш, мамлакатимизнинг рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш;

жаҳон стандартларига жавоб берадиган миллий ва профессионал чет эл бренд камонлари, ўқлар, тўсиқлар

ҳамда спорт анжумлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

камондан отишни миллий спорт тури сифатида кенг ёритиш ҳамда тарғиб қилиш ишларини ташкиллаштириш, оммалаштириш, аҳолининг ушбу спорт турига қизиқишини ошириш.

2. Туризм ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг:

ҳар бир болалар-ўсмирлар спорт мактабида (шу жумладан, келгусида янги ташкил қилинадиган мактабларда) мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, камондан отиш секция ва бўлимларини ташкил этиш;

ҳар бир олимпия заҳиралари коллежида (шу жумладан, келгусида янги ташкил қилинадиган коллежларда) камондан отиш бўлимларини очиб;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан камондан отиш таълим йўналишини очиб тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

▶ Давоми 2-бетда

ИЛМ-ФАН



Президентимиз 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувда: “Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанны ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир”, деб таъкидлаган эди.

Шавкат АЮПОВ, ЎзРФА Математика институти директори, академик, Олий Мажлис Сенати аъзоси



Бугун юртимизда чуқур тарихий асосга эга ва замонавий тараққиёт учун жуда муҳим фанлардан бири бўлган математикага ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари улуг аждодларимиз тамал тошини қўйган бу фан сўнгги йилларда ўзининг янги ривожланиш босқичига кирди, деб бемалол айта оламиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Математика институти Фанлар академияси таркибидан қайта ташкил этилди.

▶ Давоми 3-бетда

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: МЕҲНАТИМИЗ, ИЛМИМИЗ ВА ҲАРАКАТИМИЗ БИЛАН АНДИЖОН КЕЛАЖАГИНИ ҚУРАМИЗ



Бошланиш 1-бетда

Шавкат Мирзиёев шу ерлик Қурбонали Ўринбоев хонадониди бўлиб, яшаш шароитини кўздан кечирди. Маҳалла вакиллари билан дилдан суҳбат бўлди.

— Энди ҳар бир хонадоннинг имкониятидан келиб чиқиб, бизнес-режа ёзиб берилди. Давлат ташкилотлари шароит яратди. Ҳозирги замонга муносиб бўлиб, меҳнат қилмасак, ниятимизга етолмаймиз. Худонинг ўзи меҳнатга, ҳаракатга яраша ажрини беради, — деди Президент.

Нуронийлар юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб, дуо қилди.

Аҳоли зич жойлашган Андижон вилоятида уй-жой масаласи долзарб. Шу боис, Президентимиз вилоятга аввалги ташрифи чоғида Андижон туманидаги адирликларда янги шаҳар қуриш ташаббусини илгари сурган эди.

Шундан сўнг, туркиялик мутахассислар билан биргаликда лойиҳа ишлаб чиқилиб, шу йил 12 апрель кунини тақдирот қилинган эди. Давлатимиз раҳбари уй-жойларни пухта лойиҳалаштириш,

худудда кўпроқ боғ ва хиёбонлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берганди.

17 июнь кунини ушбу янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлди. Унда нуронийлар, ёшлар, жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

Президентимиз бу қурилишни халқимиз бунёдкорлигини намоён этадиган тарихий воқеа деб атади.

— Андижондаги уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун икки-уч йилдан бери ўзимни қийнаётган. Чунки ер кам, уйларга талаб йиллар давомида тўпланиб қолган эди. Бир хонадонда бир неча келин қайнонаси билан яшаётган оилалар кўп. Шунинг учун узоқни ўйлаб, янги шаҳар қуришга киришдик. Бу ерда 130 мингдан ортиқ хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилади, 450 мингдан зиёд аҳоли яшайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Умумий майдони 4 минг гектар бўлган янги шаҳарнинг 2 минг гектар қисмида уй-жойлар, ижтимоий объектлар, саноат зоналари, хизмат

ва сервис объектлари қурилади. Президентимизнинг кўрсатмасига мувофиқ, яна қарийб шунча майдонда яшил ҳудуд барпо этилади.

Янги шаҳар лойиҳаси 8 та босқичда амалга оширилади. Унинг коммуникация тармоқларини бошлаш учун жорий йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилади. Бунда 33 километр ичимлик суви тармоғи, 52 километр автомобиль йўли, 18 километр электр ва 27 километр газ тармоқлари қурилади.

Биринчи босқичда 3 минг 310 та квартиралар 170 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 385 ўринли боғча, 200 қатновли поликлиника қурилади. Шаҳар қурилиши даврида 10 мингдан ортиқ, кейин эса саноат, савдо, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларида жами 100 мингга яқин доимий иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари Андижон Заҳриддин Мухаммад Бобур вояга етган замин экани, андижонликлар билими ва матонати билан катта ишларга қодирлигини таъкидлади.

— Бугун мана шундай улкан бунёдкорлик ишларига киришар эканмиз, аввало мард ва олижаноб халқимиз қудратига, аждодларимизнинг бой билими ва тажрибасига, меҳнатқашқ, бир сўзга ва танти Андижон ахлининг азму шижоатига сўянамиз. Меҳнатимиз, илмимиз ва ҳаракатимиз билан Андижон келажагини қурашимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Президентимиз янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйди.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шу кунларга етганимизга шукр. Умид қиламанки, Янги Андижон халқимиз бахтли, фаровон яшайдиган обод максан бўлади. Бу тарихий воқеа билан, хайрли маросим билан бутун Андижон халқини чин юракдан табриқлайман, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Маросимда меҳнат фахрийлари, қурувчилар сўзга чиқди.

Қиёслаш учун мисол: Андижон вилояти бўйича 2016 йилгача 4 минг 846 та оила учун яқка тартибдаги бир-икки қаватли уйлар қурилган. Охириги 5 йилда эса 11 минг квартиралар кўп қаватли ҳамда 4 минг 400 та яқка тартибдаги уйлар қурилди. Жорий йилда 6 минг 346 хонадонли 271 та кўп қаватли, шунингдек, ипотека

асосида 2 минг 500 та яқка тартибдаги уйлар барпо этилмоқда.

Тўқимачилик саноати Андижон вилоятидаги “драйвер” соҳалардан. Бугун бу ерда 700 га яқин шундай корхоналар фаолият юритмоқда.

Андижон шаҳридаги “Dinar group” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган тикувчилик корхонаси — шулардан бири.

Умумий қиймати 10 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳа учун қаровсиз бино “ноль” қийматда берилган эди. Атиги етти ойда бу ерда замонавий корхона пайдо бўлди.

Янги корхонага Италия, Австрия ва Туркия каби давлатлардан мато бўяш ва тикув ускуналари келтириб ўрнатилди. 1000 та иш ўрни яратилди. Корхона йилга 3,5 миллион дона тайёр трикотаж ва 5 минг тонна ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг GSP+ дастурига аъзо бўлиши билан бу корхона учун ҳам кенг йўл очилди. Маҳсулотлар 100 фоиз экспортга йўналтирилмоқда. Бугунги кунда хорижий давлатлар буюртмалари асосида 50 дан ортиқ турдаги ярим тайёр ва 100 хилдан ортиқ тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Йиллик экспортни 40 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Бўш турган иншоотлардан самарали фойдаланишга қаратилган иқтисодий сиёсат натижасига Андижон шаҳридаги “Digom” фабрикаси ҳам мисол бўла олади. Унинг биноси 1980 йилларда қурилган, узоқ вақт ишламасдан, ташландик ҳолга келиб қолган.

“Бобур ХБК” масъулияти чекланган жамияти томонидан 33 миллион 500 минг доллар миқдорда инвестиция киритилгач, бино қиёфаси тамоман ўзгарди. У мукаммал таъмирланиб, Франция, Германия, Италия, Япония ва Туркиянинг замонавий технологиялари ўрнатилди. Ҳозир бу ерда 1 минг 500 киши меҳнат қилмоқда. Тўлиқ қувватда 2 минг 700 та доимий иш ўрни бўлади.

Бугунги кунда корхонада 200 турдаги жинси маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Матони бўяшдан тортиб, тайёр маҳсулотгача бўлган жараён замонавий технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Бу фабрикада ҳам маҳсулотлар тўлиқ экспорт қилинади. Мўлжал — йилга 25 миллион долларлик маҳсулотни хорижга етказиб бериш.

Президентимиз янги корхоналардаги иш жараёнини, маҳсулот намуналарини кўздан кечирди. Мутасаддиларга корхоналар фаолиятини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти Бош жоме масжидини бориб кўрди.

Бу жойда илк масжид 1870 йилда тикланган. Ҳозирги масжид қурилиши 2018 йилда бошланиб, шу йил май ойида якунланди.

Янги бино қадимий чор айвон ва чор дарвоза услубида барпо этилган. Унинг икки четида баландлиги 54 метрлик миноралар, асосий бинонинг тепа қисмида диаметри 18 метрлик гумбаз қурилган.

Илгари масжид сиғими 5 минг кишини ташкил қилган бўлса, энди бино 15 мингдан ортиқ намозхонни ўз ичига сиғдира олади.

Қурьон оятларидан тиловат этилиб, дуо қилинди.

— Бу даргоҳни барпо этишга хисса қўшган муҳандислар, қурувчи ва безакчилар, ҳомийларга миннатдорчилик билдираман. Масжид Андижон халқига муборак бўлсин, узоқ йиллар халқимизга хизмат қилсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда уламо ва имом-хатиблар билан мулоқот бўлди.

— Ҳамма жойларда муқаддас зиёратгоҳларни обод қилиш, янги масжид ва маърифат марказлари қуришга эътибор қаратялмиш. Бундай хайрли ишларни давом эттирамиз. Мўмин-мусулмонлар бу ерга келиб, ибодатларни эмин-эркин бажариб, шукроналик билан халқимизни дуолар қилса, нур устига нур, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўза мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КАМОНДАН ОТИШ СПОРТ ТУРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиш 1-бетда

Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов) Ўзбекистон камондан отиш федерацияси билан биргаликда:

2021 йил 1 сентябрга қадар болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежларини замонавий ҳалқаро талабларга жавоб берадиган спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси ҳамда бошқа зарур воситалар билан таъминласин ва ушбу мақсадларга **Туризм ва спорт вазирлигига ҳамда унинг тизимидаги спорт таълими муассасаларига бюджетдан 2021 йил учун ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисмидан зарур маблағлар йўналтирсин;**

бир ой муддатда камондан отиш спорт тури бўйича **тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ошириш** режасини тасдиқласин;

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа спорт таълим муассасаларига камондан отиш спорт тури бўйича **етақчи хорижий тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларни шартнома асосида жалб қилсин** ҳамда тегишли молиявий ва ташкилий масалаларни ҳал этсин.

3. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб камондан отиш спорт тури бўйича ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг **уч босқичли тизими жорий этилсин.** Бунда:

биринчи босқичда — таълим муассасалари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа спорт таълим муассасаларидан сараланган спортчилар ўртасида туман (шаҳар) мусобақалари (**туман/шаҳар ҳокими кубоги**);

иккинчи босқичда — туман (шаҳар) мусобақалари ғолиблари ва совриндорлари ўртасида ҳудудий мусобақалар (**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари** иқтидорли ёшларни аниқлаш,

танлаш ва саралаш (селекция)нинг уч босқичли тизимини тегишли ҳудудларда тўлиқ жорий қилиш **юзасидан шахсан масъул этиб белгилансин.**

4. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб **ҳар йили** анъанавий тарзда камондан отиш спорт тури бўйича:

Тошкент шаҳрида “Алпомиш ва Барчиной” халқаро турнирини ташкил этиш;

Самарқанд шаҳрида аёллар ўртасида “Тумарис кубоги” халқаро турнирини ўтказиш; мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада кенг намоён этиш ҳамда ушбу спорт турининг оммавийлигини ошириш мақсадида **Бухоро, Қўқон, Самарқанд ва Хива** шаҳарларида **“Туризм ва камондан отиш ҳафталиги”** ни ташкил этиш ва унинг доирасида кенг сайёҳлар оқими жалб қилган ҳолда камондан отиш бўйича спортчилар ва сайёҳлар ўртасида турнирлар, мачорат дарслари ҳамда учрашувлар, туристик салоҳият акс этган сайиллар ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазирлиги А.Абдухакимов, Ўзбекистон камондан отиш федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган халқаро турнирларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича **режа-жадвални тасдиқласин;**

халқаро турнирларда маҳаллий камончилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган кучли халқаро камончилар, тренерлар ва ҳакамларнинг иштирокини таъминласин.

5. **2022-2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида камондан отиш спорт тури бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган спорт базаларини** (кейинги ўринларда — спорт базалари) **ташкил этиш режаси** 1-иловага мувофиқ тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) спорт базаларига методик кўмаклашиш **Ўзбекистон камондан отиш федерацияси** томонидан амалга оширилади;

б) **спорт базалари**, шу жумладан, қуйидагилардан иборат бўлади:

умумий жисмоний тайёргарлик, махсус жисмоний тайёргарлик, ўқув машғулотлари ва мусобақаларни ўтказиш учун очиқ турдаги спорт майдони ва спорт зали;

томошабинлар учун трибуна, тренерлар, тиббиёт ходимлари, кийим алмаштириш хоналари, тренажёр зали, спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкасини сақлаш учун хона.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов) Туризм ва спорт вазирлиги (А.Каримов) билан биргаликда 2022 йил ва келгуси йилларда Инвестиция дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан спорт базаларини қуриш учун **марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари** ажратилишини таъминласин.

Қурилиш вазирлиги (К.Туляганов) спорт базаларини инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:

ҳар бир ҳудуднинг битта тумани (шаҳри)ни **камондан отиш спорт тури устувор спорт тури сифатида** белгилаш ҳамда уни **ривожлантириш** ва оммалаштириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш;

тегишли ҳудудда камондан отиш спорт турининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш, **спорт базаларини ташкил этиш ишларига яқиндан кўмаклашиш;**

2022-2024 йилларда ҳудудларда спорт базаларини ташкил этиш ишларини **Инвестиция дастури доирасида амалга ошириш юзасидан таклифлар киритиш;**

жойларда камондан отиш спорт турининг ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида **Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;**

Ўзбекистон камондан отиш федерацияси ҳудудий бўлинмаларининг раиси **лавозимга тавсия этиш.**

жойлардаги раҳбар кадрлар орасидан номзодларни Ўзбекистон камондан отиш федерацияси ҳудудий бўлинмаларининг раиси **лавозимга тавсия этиш.**

7. **Камондан отиш спорт тури янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқласин.

8. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов) Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов) билан биргаликда камондан отиш спорт турининг ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида:

Бутунжаҳон камондан отиш федерацияси ҳамда Осиё камондан отиш федерацияси билан ҳамкорликни кучайтирсин, бу борада манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда, ушбу ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаб бериш билан боғлиқ харажатлар 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилди;

Исломо Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар (авваломбор **Туркия, Эрон, Малайзия**) ва бошқа мамлакатлар (**Корея Республикаси, Германия, Россия**) билан биргаликда камондан отиш спорт тури бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мусобақалар ва турнирларни ўтказиш, тажриба алмашиш, бошқа қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатсин.

9. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳамда спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда **2021 йил 1 ноябрга қадар мамлакатимизда этносспорт турларини (белбоғли кураш, улоқ, күпкари, ошиқ ўйини, қарабөз (ланка) ўйини, от пойгаси, кук бўру, дорбоз, чиллак ва бошқалар) ривожлантириш** ва оммалаштиришни, Бутунжаҳон этносспорт конфедерацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларни кучайтиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) мазкур қарорга асосан жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирларни ва келгуси йилларда амалга

оширилиши белгиланган вазифалар учун зарур маблағларни 2021 йил Давлат бюджетига Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг буюртмасига асосан камондан отиш спорт тури бўйича жалб этиладиган хорижий мутахассисларга консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирмасдан кириш визаларининг расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ички ишлар вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон камондан отиш федерациясининг буюртмасига асосан камондан отиш спорт тури бўйича жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визаларининг берилишини ва муддатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Каримов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2022 йил 1 январгача** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 17 июнь



МАМЛАКАТИМИЗДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда Президентимизнинг 2019 йил 9 июлдаги “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар орқали математика фани ва таълимини ривожлантириш, халқаро стандартларга мослаштириш учун мавжуд муаммоларни бартараф этиш тизими яратиб берилди. Масалан, математика бўйича халқаро конференцияларда, талабалар ўртасида ўтказиладиган халқаро олимпиадаларда, семинар-тренингларда иштирок этиш имконияти яратилди. Президентимиз ташаббуси билан **Математика фани ва таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан математика соҳасидаги олимлар ва ёш тадқиқотчиларнинг хориждаги халқаро илмий-амалий тадбирларда иштироки таъминланмоқда. Талабаларнинг математика фани бўйича халқаро олимпиадалардаги иштироки қўллаб-қувватланмоқда, математика таълими учун зарур илмий ва ҳисоблаш асбоб-ускуналарини харид қилиш дастурлари амалга оширилмоқда.

Математика таълим йўналишларида таълим олаётган талабалар ва тадқиқотчилар учун академик Т.Саримсоқов номидаги стипендия таъсис этилди. Ўзбекистон математика жамиятининг халқаро алоқаларини кенгайтириш ва Халқаро математиклар жамиятига тўлақонли аъзо бўлишни таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Қўрида қайд этилган ҳужжатлар орқали олимларимиз учун яна қатор имкониятлар яратилди. Жумладан, 2020 йилда Математика институтига илмий даражалар беришда мустақиллик берилди. Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятларида институтнинг худудий бўлинмалари ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу бўлинмаларда 22 фан доктори, 22 фан номзоди ва физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) фаолият юритмоқда. Бўлинмалар вилоятлардаги университетлар билан биргача ишлаш бўлиби, бу ёшлар ва талабалар билан ишлаш ва уларни математика фанига қизиқтириш учун жуда қўлайдир.

Охириги уч йил давомида олимларимизнинг маоши деярли 3 баробар ошди. Математика институти учун янги, замонавий, инновацион бино қурилди. Бугун ҳамма нарсамиз бор! Энди завқ билан ишлаб, натижа кўрсатишимиз лозим. Таъкидлаш кераки, Математика институти ўз фаолияти давомида мазкур фани ривожлантиришга, юртимиз учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга сезиларли ҳисса қўшиш ва математика тадқиқотларининг жаҳон даражасида эътироф этилган марказларидан бирига айланди.

Ҳозир ҳам институт ходимлари қатор ютуқ ва натижаларга эришмоқда. Институтда функционал анализ, дифференциал тенглалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра бўйича илмий мақалалар шаклланди ҳамда муваффақиятли ривожланмоқда.

Институт тарихи ютуқларга бой. Ходимларнинг илмий тадқиқотлари беш марта Ўзбекистон давлат мукофотига сазовор бўлган. 12 нафар таниқли олим Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига, икки нафари эса нуфузли Жаҳон фанлар академияси (TWAS) аъзолигига сайланган. Олимларимиздан беш нафари TWASнинг ёш олимлар бўлими танловларида ғолиб чиққан.

Олимларимиз меҳнатини чет эллик ҳамкасблар ҳам эътироф этмоқда. Масалан, институтимиз ходими У.Розиковнинг мақолалига хорижий нуфузли журнали келтирган тақризда у "...one of the authors is a well-known expert", яъни "жуда таниқли эксперт...", деб эътироф этилган. Бундай эътирофлар ўзбек математикларининг кўпига нисбатан қўлланилган. Айтмоқчиманки, бугунги кунда ўзбекистонлик математикларнинг илмий мақалалари ўз мавқеини халқаро даражада сақлаб келмоқда.



“ ДУНЁ РЕЙТИНГИДА ДАСТАБКИ 300 ТАЛИККА КИРГАН УНИВЕРСИТЕТЛАРДА PHD ИЛМИЙ ДАРАЖАСИГА ЭГА БЎЛГАН ИНСТИТУТ ХОДИМЛАРИДАН 2 НАФАРИГА ОАК ТОМОНИДАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ФАН ДОКТОРИ (DSC) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИ БЕРИЛДИ. СЎНГГИ 5 ЙИЛ ДАВОМИДА ИНСТИТУТДА МАТЕМАТИКА БЎЙИЧА 19 НАФАР ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ВА 18 НАФАР ФАН ДОКТОРИ (DSC) ТАЙЁРЛАНДИ.

2016 йил 30 декабрда Президентимиз академиклар билан учрашувда илм-фанга эътиборни кучайтириш давр талаби эканини таъкидлади ва бу борада амалий ишга киришилди. Даставвал, Фанлар академияси ҳақиқий аъзоларини сайлаш тизими қайта тикланди. Хусусан, Математика институти профессорлари А.Аъзамов ва С.Лақаев ЎзРФА ҳақиқий аъзоси (академик) этиб сайланди. 2017 йил У.Розиков Springer-Nature нашриёти томонидан "Springer Nature top Author" сертификати билан тақдирланди. 2017 йилда академик Ш.Аюпов, К.Кудайбергенов, Б.Омиров ва У.Розиков фан ва техника соҳасидаги давлат мукофотига лойиқ топилди. "Scopus Award-2019" танловидан Ш.Аюпов "Top researcher in Natural sciences" ("Табийи фанлар бўйича йил тадқиқотчиси") деб эътироф этилди. 2020 йилда профессор У.Розиков Ислом ҳамкорлик ташкилотининг "Энг яхши илмий мақола" номинацияси бўйича халқаро мукофотига сазовор бўлди.

Дунё рейтингда дастабки 300 таликка кирган университетларда PhD илмий даражасига эга бўлган институт ходимларидан 2 нафарига ОАК томонидан тўғридан-тўғри фан доктори (DSc) илмий даражаси берилди.

Сўнги 5 йил давомида институтда математика бўйича 19 нафар фалсафа доктори (PhD) ва 18 нафар фан доктори (DSc) тайёрланди.

Институтда университетлар, мактаблар ва академик лицейларда маърузалар ўқиш ва махсус курслар ўтиш, шунингдек, магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиш амалиёти кенг йўлга қўйилган. Бугунги кунда илмий ходимларнинг ўртача ёши 43 ёшни, илмий даражаси илмий ходимлар улуши эса 87 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда математика фанини ривожлантириб, жаҳон стандартлари даражасида сақлаш бизнинг асосий мақсадимиз. Биз дунёда математика соҳасида бўлаётган илмий янгиликларга муносиб ҳисса қўшиш учун етарли илмий салоҳиятга эгамиз. Айниқса, бу мақсадларни амалга ошириш учун сафимизда ёш математикларнинг кўпчилиги ва улар сони тобора ошиб бораётгани бизга мадад бўлмоқда.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда келажакни математик асослаб қуриш зарур. Чунки бугунги кунда атом бомбадан ҳам хавф-

ли, чегара билмас муаммолар бор. Масалан, кибартаҳдид, ахборот хавфсизлиги, оптимизация, вирус тарқалиши хавфи (жумладан, бугунги кундаги короновирус пандемияси) қабила шулар жумласидандир.

Бу замонавий муаммоларни ечишда ахборот технологиялари, дастурлаш, математик моделлаштириш ва кимё-биология каби соҳаларни ривожлантириш жуда муҳим. Бу соҳаларнинг асоси эса, албатта, математика!

Математика фанининг биология, физика, кимё, компьютер технологияси, криптография, мусика, муҳандислик, тиббиёт, адабиёт, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда қўлланиш доираси жуда кенг. Масалан, бугунги кунда компьютер дастурчиси бўлишга қизиқиш кучаймоқда. Дастурлашнинг негизини эса математика ташкил



қилади. Дастур математик алгоритмдир! Шундай экан, математик олимларни пухта эгалламай туриб, дастурлаш соҳасида етук мутахассис бўлиш асло мумкин эмас.

Математиканинг баъзи назариялари инсониятга мисли қўрилмаган фойда олиб келди. Баъзи оммабоп мисоллар келтираман. Лобачевский геометрияси асосланган GPS-навигатор тизими транспортнинг оптимал ҳаракатини аниқ таъминлаб бермоқда. Марков занжирлари асосланган қўрилган Google қидирув дастури инсоният учун катта имкониятлар яратиб берган, дастур ижодкорларига ҳар дақиқада 37000 доллар даромад келтирмоқда. Математика қўнунлари асосланган криптография ахборотни қодлаб, бегоналардан сир сақлаш учун ишлатилади.

Тиббиётда лазер билан даволаш ривожланиб бормоқда. Масалан, буйрақдаги тошни лазер орқали майдалайдиган тиббий асбоб эллипснинг геометрик хоссаларига асосланган.

Бугун кўпгина фанлар қатори математика ҳам глобал ҳамкорлик асосида ривожланмоқда. Биз ҳам бу жараёндан четда эмасмиз. Институтимиз олимлари Бонн, Бохум, Кембриж, Лидс, Париж, Сеул, Сантьяго де Компостела университетлари ва бошқа илмий марказлардаги ҳамкасблари билан биргаликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Илмий алоқалардан юқори малакали кадрлар тайёрлашда самарали фойдаланилмоқда. Институтнинг ёш олимлари К.Масутова, Х.Каримжонов, Р.Турдибоев ва Ш.Муродов Испаниянинг Сантьяго де Компостела университетиде диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилиб, фалсафа доктори (PhD) илмий унвонини олди.

IRES (Талабалар учун халқаро тадқиқот амалиёти) лойиҳаси бўйича 2017-2019 йилларда америкалик 29 талаба ёзги илмий семестрни институтимизда ўтказди. Иккинчи Ўзбекистон — Америка конференциясида бу талабалар илмий натижалари бўйича маъруза қилди ва хорижий нуфузли журналларида бир қанча илмий мақолалар чоп этди.

Институтимиз ташаббуси билан АКШнинг Калифорния университети, Малайзиянинг MARA технологиялар университети, Бирлашган Араб

Амирликлари университети, шунингдек, бошқа бир қанча хорижий таълим даргоҳларида фаолият юритаётган ватандошлар билан ҳамкорликда етакчи профессор-ўқитувчиларнинг онлайн маҳорат дарслари ўтказилди.

Математиканинг долзарб масалалари бўйича олинган натижалар асосида охириги 5 йилда институтда ўтказилган илмий конференцияларнинг 11 та тўплами, олимларимиз томонидан 10 та монография, шундан 7 таси хорижий нашриётларда нашр этилди.

Президентимизнинг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизда математика тараққиёти учун мустаҳкам замин ҳозирлайдиган муҳим ҳужжат бўлди, деб бемалол айта оламиз. Мазкур қарор асосида ҳар бир туманда математика фанига ихтисослашган мактаблар ташкил этиладиган бўлди. Биз тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда математика фани бўйича улзуксиз таълим дастурлари мажмуасини яратдик. Энди эса дарсликлардаги ёндашуви, методикани ўзгартиршимиз лозим. Бу муаммо ечимини учун ҳам имконият яратиб берилган. Юқоридаги қарорга кўра, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб математика фани бўйича давлат таълим муассасаларида қўлланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда мажбурий тартибда институтимизнинг эксперт хулосаси олинади. Бунинг учун институтда математика таълими бўйича ўқув-услубий материалларни мувофиқлаштириш лабораторияси ташкил этилди.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги математика фанига ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари директори лавозимига тасвир этилган номзодларнинг иш фаолияти таҳлил қилиниб, улар билан онлайн суҳбат натижасига кўра 32 нафар номзод тасдиқланди.

Айтиш кераки, Президентимиз ташаббуси билан бугунги кунда юртимизда математикага ихтисослаштирилган мактаблар фаолият юритаётгани, уларнинг аксарияти вилоятларда ташкил этилгани мамлакатимизда мазкур фанга ёшларнинг қизиқишини ошириш, истиқболда замонавий талабаларга жавоб бера оладиган етук мутахассислар тайёрлашга қаратилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир. Мазкур мактабларнинг замонавий талабалар асосида жиҳозлангани яқин келажакда юртимиз бу соҳада ҳам катта ютуқларга эришишига ишончимизни оширади.

Математика мураккаб фан бўлгани сабабли ўқувчилар орасида уни ёқтирмайдиганлар, математика дарсида зеркиб ўтирадиганлар қўпчилигини тани олиш керак. Бунинг асосий сабаби 5-синфдан бошлаб ўтилётган математик маззулар ҳаётдан, турмушимиздан анча узоқдек туюлишида бўлса ажабмас.

Ўқувчи ва талабаларнинг аксарияти нима учун турли математик — абстракт тушунарларга бой таълим олиши зарурятини билишни хошлашди. Нега шундай? Эки математика ростдан ҳам шу қадар зеркирли ва турмушимизда керакмас бўлган тушунарлар асосига қўрилганми? Бу каби саволларга жавобларни У.Розиков ва Н.Маматованинг “Фан” нашриётида чоп этилган “Математика ва турмуш” илмий-оммабоп китобидан топиш мумкин. Бу китоб ўқувчи ва талабаларнинг математиканга қизиқишини оширади. Барча ёшдаги китобхонлар (математикага

алоқаси йўқ соҳа вакиллари ҳам) ушбу китоб орқали қизиқарли маълумотлар олади.

Китоб юқоридаги саволларга жавоб бериш орқали бу фаннинг қудрати, гўзаллиги ва кундалиқ турмушимизда биз учратадиган барча нарсаларда ўз аксини топганини кўрсатиб беради.

Математикани чуқур билиш талаб этилмай диган касблар ҳам кўп. Демак, бундай касбларнинг бўлажак эгаларига математикани ўқитиш уларнинг вақти ва давлат ресурсларини бекорга йўқотишга олиб келмайди, деган табиий савол туғилади.

Ўй, бу ҳеч қандай йўқотиш эмас. Чунки ўқувчилар ёшлигида бир касбни танлашда доим иккиланади. Ҳар бир ўқувчи камида бир марта танлаган касб орзусини алмаштиради. Агар ўқувчи олдин ҳайдовчи (ёки актёр) бўлишни орзу қилиб, кейин мактабни битиришига оз қолганида муҳандис (ёки компьютер дастурчиси) бўлишни орзу қила бошласа-чи? Унда бу ўқувчининг математикани чуқурроқ ўрганишига вақти қоладими?

Баъзи ўқувчилар эса мактабни битиргунча қандай касб эгаси бўлишни билмайди. Бундай ўқувчиларни ёшлигидан бирор касбни танлашга мажбурлаш ноўрин. Касбга қизиқиш анча кеч пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли ўқувчиларга мактабда ҳар бир фаннинг асосларини яхши ўргатиш шарт.

Қолаверса, мактабда математикани яхши ўрганиб, келажакда уни қўлламайдиган ўқувчилар ҳам хафа бўлмасин. Чунки математика касбдан, иш жойидан ташқарида ҳам жуда кўп керак бўлади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга 2019 йилги Мурожаатномасида 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили”, деб эълон қилар экан, бунинг замирида мамлакатимиз илм-фани ривожига берилаётган катта эътибор муҳассам эди. Президентимизнинг олимлар билан учрашувда бир неча фан йўналишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Математика ана шулардан бири сифатида белгиланди. Учрашувда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига математикани ўқитиш соатларини қайта кўриб чиқиш топшириги берилди. Йўналишлар бўйича дастур ва дарсликлар тузиш зарурлиги таъкидланди.



Ушбу вазифалар ижроси доирасида Математика институти олимлари Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университетидаги ҳамкасблари билан ўқув режалар ва математика соҳаларига оид фан дастурларини қайтадан кўриб чиқиб, соҳаларга йўналтирилган ҳолда давлат ва халқаро стандартларга мослаштирди.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Математика” йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури ҳамда халқ таълими тизимидаги педагог кадрлар учун математика фани ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курслари тажрибавий ўқув дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Халқ таълими тизимида дарсликлардан кўра, қийинроқ муаммо борки, бу — кадрлар масаласи. Математикани ўқувчиларга чуқур ўргатадиган ўқитувчилар етарли эмас. Дарсликлар билан чегараланиб қолган ўқитувчилар йўқ эмас. Ўқитувчи дарс ўтишда ижодий ёндашиши, ҳар бир математик маззунини ҳаётини муаммолар билан боғлаб ўтиши, дарсликдаги маззунини ўқувчилар ўзлаштириш хусусиятига баён қилган ҳолда синфга мос баён қилиши зарур.

Бошқача айтганда, маззунинг дарсликдаги баёни ҳар бир синфга мос равишда “маҳаллийлаштирилиши” керак. Масалан, аёлчи ва математик қобилиятли ўқувчилари кўп синфларга маззунинг дарсликдаги баёни камлик қилиши, аксинча, кучсизроқ синфларда дарслик баёни қийинлик туғдириши мумкин. Бунда ўқитувчи маҳорати зарур бўлади.

Ўйлаيمانки, бугунги кунда илм-фанга, хусусан, математикага берилаётган бундай эътибор яқин келажакда ўз мевасини беришни бошлайди. Ўзбекистон иқтисодиётини, таълим тизимини, ижтимоий ҳаётини, одамларнинг яшаш шароитини дунё миқёсида юқори нукталарга олиб чиқадиган кадрлар яқин йилларда етишиб чиқишига ишончим комил.



БУГУННИНГ ГАПИ

“МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

“дафтарлар” даги рўйхатнинг қисқаришига хизмат қиляпти

Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги “Зигир” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Дилором Асқарова камсуқум, оддий қишлоқ аёли. Кичкина жуссаси билан оиланинг залворли юқини елкасида кўтариб келяпти. Дилором ишсизлиги боис, “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Шунга асосан томорқа хўжалигида иссиқхона фаолиятини йўлга қўйиши учун унга 12 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди ва ушбу маблағга қисқа вақтда иссиқхона куриб берилди.

Ҳозир кредит пулини деярли тўлаб бўлдим. Иссиқхонамизга қўшимча равишда қовоқ эдик. Санокли кунлардан сўнг ҳосилни йиғишни бошлаймиз. Буларнинг баридан рўзгоримиз тикланыпти. Бундан ташқари, уй шароитда спорт майкаларига гул босишни йўлга қўйдик. Томорқа юмушларидан ортиб ҳар кун 1000-1500 та спорт майкаларига гул босаман. Хуллас, даромадимиз ёмон эмас. Уйда ўтириб ҳам шунча пул топиш мумкинлигига амин бўлдим. Энди аввалгидек кўчада гап сотиб ўтиришга вақт йўқ. Ҳар кун бир ишнинг бошидан тутамиз. Меҳнатга яраша даромад оляпмиз, дастурхонимиз тўкин. Биздек аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётда ўз ўринларини топиши йўлида шундай имкониятлар яратиб бераётган давлатимиз раҳбаридан, ҳукуматимиздан миннатдорман. Дилором отаси уйи ёнидан янги уй солишни кўзлаб турибди. Чорвачилик, паррандачилик хўжалигини кенгайтириш истагида. Бунинг учун унда имконият етарли, энг муҳими, қўлида сармоёси бор.

“ШУ КУНГА ҚАДАР БИРИНЧИ ТОИФАДАГИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ИШСIZ АЁЛЛАРНИНГ 176 НАФАРИ ДОИМИЙ ИШ ЎРНИГА ЭГА БЎЛДИ. 175 НАФАРИГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ, 138 НАФАРИНИ КАСБГА ЎҚИТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. ҲОЗИР 21 НАФАР АЁЛ АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ҚЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН КАСБГА ЎҚИТИЛДИ, 117 НАФАРИНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ. ШУНИНГДЕК, 42 НАФАР АЁЛНИНГ УЙ-ЖОЙИ ТАЪМИРЛАБ БЕРИЛДИ. НОТУРАРЖОЙДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН 2 НАФАР АЁЛНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА, ТИББИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ 154 НАФАР АЁЛГА МАНЗИЛЛИ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ.



Эрта баҳорда ҳовли сатҳига туташ иссиқхонадан мўл ҳосил олинди. Помидор қийғос ҳосилга кирди, эртанги бодрининг бозори чаққон бўлди. Шунингдек, картошка, райхон, жамбил, укроп, кашнич, саримсоқпиез, қўйинки, рўзгор учун керакли бўлган барчаси иссиқхонада етиштирилди. Она совлиқ қўзилади, товўқлар тухумга кирди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Ҳаммаси сабр билан қилинган ҳалол меҳнат ва шукроналик маҳсули.

— Маҳалладагиларнинг бандлик масаласидаги тақлифларига аввалига кўнмадим. Чунки хорижа ишга боришни мақсад қилиб юргандим. Аммо ёлғиз фарзандим, бетоб онамни ташлаб ўзга юртга бориб, ҳаловат топа олмастимини англаб, уларнинг тақлифига рози бўлдим, — деди Д.Асқарова. — Энди бу қароримдан асло афсусда эмасман. Маҳалла ёрдами билан томоркамизга иссиқхона куриб беришди, унга эртанги бодринг, помидор кўчатларини эдик. Экинларимиз ҳосил бера бошлаганига икки ойдан ошди. Ҳар кун маҳсулот сотамиз.

Зигир — тумандаги аҳоли зич жойлашган кўча қишлоқлардан. Айна кунда бу ерда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 87 та тадбиркорлик субъекти ишлаб турибди. “Аёллар дафтари”га киритилган 41 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Маҳалла аҳолиси меҳнаткаш, тадбиркор, томорқадан самарали фойдаланади. Айниқса, аёлларнинг шижоати ҳавас қилгулик.

Ишсиз сифатида “Аёллар дафтари”га киритилган Мухаррамхон Қодирова 2-гуруҳ ногирон онаси билан яшайди. Бичув-тикувча уқуви бор. Лекин меҳр ва парваришга муҳтож онасидан ортиб бирон жойга бориб ишлашга имкони йўқ. Унга 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Мухаррамхон бу маблағга 3 та тикув машинкаси, хомашё харид қилиб уй шароитида тикувчилик цехи ташкил этди. Айни кунда болалар трикотаж, спорт майкалари тайёрлашни йўлга қўйган. Маҳаллий хомашёда тайёрланаётган маҳсулотнинг бозори чаққон. Даромад ҳам шунга яраша бўлмоқда. Ишлаб топил-

ган сармоянинг бир қисми тармоқ фаолиятини ривожлаштиришга, қўшимча дастгоҳлар харид қилишга сарфланмоқда. Айна кунда бу ерда беш нафар ёш тикувчилик сирларини ўрганмоқда.

Мухаррамхон бугун ишсиз эмас. У “Аёллар дафтари”дан чиқиб билан бирга, маҳалладаги бошқа аёлларга яхши ҳақ тўланадиган иш тақлиф қиляпти. Учкўприк туманида 2086 нафар хотин-қиз 9 тоифадаги “Аёллар дафтари”га киритилган. Уларнинг барчасига тоифалар кесимида амалий ёрдам кўрсатиляпти.

— Аёлларнинг бахтли ва яхши яшаши учун қўлимиздан келган ёрдамни аямаямиз, — дейди Учкўприк тумани ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбоосари Гулчехра Жўраева. — Шу кунга қадар биринчи тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёлларнинг 176 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. 175 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди, 138 нафарини касбга ўқитиш режаланштирилган. Ҳозир 21 нафар аёл Аҳоли бандлиги кўмаклашиш маркази томонидан касбга ўқитилди, 117 нафарининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 42 нафар аёлнинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Нотуражойда истиқомат қиляётган 2 нафар аёлни уй-жой билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда, тиббий ёрдамга муҳтож 154 нафар аёлга манзилли ёрдам кўрсатилди.

Ҳаёт давом этар экан, унинг зуғига яраша муаммо ва камчиликлари буй кўрсатаверади. Эътиборли жиҳати, юртимизда аҳоли муаммоларини бар-тароф этишнинг ҳуқуқий механизми — “маҳаллабай” тизимининг янги имкониятлари яратилганида. Бу ҳар қандай масалани ижобий ҳал этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЕР – ЗАР, ДЕҲҚОН – ЗАРГАР



СУВТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, соҳага сув ҳамда ресурстежамкор замонавий агротехнологиялар жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.



Бугун Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида ғалладан бўшаётган 5 минг 626 гектар ер майдонининг 5 минг 300 гектарига, сув эҳтиёжидан келиб чиқиб, такрорий экинлар экиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Утган мавсумда тумандаги “Қурбонбой Чориев” фермер хўжалиги

21 гектар майдондаги пахтани етиштиришда эгилувчан кувурлардан фойдаланиб, яхши самарага эришди. Пахта нақд 8 маротаба суғорилган бўлса-да, бунинг учун бор-йўғи 17 минг 300 куб метр сув сарфланди.

— Ер майдонлари аънаванавий усулда суғорилганда Уртадан ўқариқлар қазилиши туфайли анчагина ғўза ниҳол-

лари нобуд бўлади, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Эркин Чориев. — Эгилувчан кувурлардан фойдаланганда эса ўқариқларга умуман ҳожат қолмайди. Ҳисоб-китобларимизга қўра, ўқариқлар олинмаслиги туфайли уч гектар майдондаги ғўза нобуд бўлишдан асраб қолинди. Бундан ташқари, илгари 4 нафар сувчи бажарган ишни энди бир киши уйдаяпти. Томчилатиб суғоришда сув ҳам, минерал ўғит ҳам исроф бўлмасдан, тўғри ниҳолнинг илдизигача етиб боради. Натижада сув тақчил бўлган йилда ҳам ғўза жуда яхши ривожланади.

Утган йилнинг 27 апрелида Қоракўл туманида рўй берган табиий офат туфайли фермер хўжалиқлари ерга чигитни уч мартагача такор экишга мажбур бўлганига қарамай, давлат шартнома режасини тўлиқ бажарган ва соф фойда олишга эришган эди. Бунда экинни томчилатиб суғориш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этганди.

Шуни инобатга олиб, жорий мавсумда туманда инновацион усулда томчилатиб суғориладиган майдонлар янада кенгайтирилди. Бу сув сарфини 35 фоиз, унинг сарфи учун ажратилган маблағни 20 миллион сўмгача тежаш имконини беради. Қолаверса, ҳосилдорлик янада ошишига замин яратяпти.

“Мергантекс” пахта-тўқимачилик кластери тумандаги 160 та фермер хўжалигига қарашли 8 минг гектар

экин майдонига эга. Жорий йилда 50 та фермер хўжалигининг 1 минг 200 гектар ерида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди.

Кластер раҳбари Иброҳим Ҳамроевнинг айтишича, шу кунга қадар сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш мақсадида 100 та ҳовуз қазилиб, уларга 50 та мембрана ўрнатилган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур кластер ерларида 32 километр узунликда электр тармоқлари тортилиб, трансформатор станциялари барпо этилди. Қуруқ иқлим ва сув ресурслари чекланган шароитда сув ресурсларидан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш учун олдиндан мақсадли режалар тузиб қўйилган.

“Сардор Баҳодир пахтакор” фермер хўжалиги ҳам туманда илгор хўжалиқлардан ҳисобланади. Гулчехра Рўзиқулова раҳбарлик қиляётган мазкур фермер хўжалиги жорий йилда 30 гектар ерда ғалла парваришлаган. Мавсум жараёнида 19 гектар майдондаги ғалла ўриб олинди, белгиланган шартномавий режа ортиги билан бажарилди. Бугунги кунда ғалладан бўшаган ерларга экиш ишлари бошланган.

Раббонқул МУХТОРОВ,
журналист

ИННОВАЦИЯ

КРЕАТИВ ЁНДАШУВЛАР



пахта тозалаш саноатида юқори самарадорлик кафолати



Тоҳир ҚУЛИЕВ,
“Пахтаसानоат илмий маркази”
АЖ бош директори, техника
фанлари доктори

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт кириб бормаган соҳа, илгор технологиялар қўлланилмаётган тармоқ қолмади ҳисоб. Ҳатто пахта етиштириш бўйича кўп асрлик аънавалар ўрнини ҳам замонавий усул ва технологиялар эгаллаб бормоқда. Натижада Ўзбекистон нафақат пахта етиштиришчи, балки пахтани қайта ишлаб, ундаан хомашё ва тайёр маҳсулот олаётган етакчи давлатлар қаторидан жой олди.

Сўнгги йилларда пахта тозалаш саноатини ривожлантириш борасида қилинган илмий изланишлар ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Соҳага ресурс тежамкор техника ва технологияларни жорий этиш орқали пахтани қайта ишлаш корхоналарининг самарадорлигини оширишга эришилди.



Бу жараёнда ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи муассаса сифатида 1926 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “Пахтаसानоат илмий маркази” акциядорлик жамиятининг мавқеи ҳам ошиб борапти. Президентимизнинг 2018 йил 23 февралдаги “Пахтаसानоат илмий маркази” акциядорлик жамияти фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан пахтани дастлабки қайта ишлаш соҳасидаги ишлар янада фаоллашди. Ҳужжат юртимиз пахта саноатида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратди. Қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида пахтани дастлабки қайта ишлаш техникаси ва технологияларини 2018-2020 йиллар даврида ривожлантириш бўйича тадбирлар дастури доирасида охириги йилларда илмий илмий лойиҳалар баҳарлиб, амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Уруғлик чигит учун автоматлаштирилган делинтер, қабул қилинаётган пахтадан механизацияланган усулда намуна олиш ускуналари, пахта хомашёсини цехида ташиш учун СС-15 русумли сепаратор-тозалагич, пахтани ғарамлашдан олдин тозалайдиган комбинацияланган қурилма, тақомиллаштирилган пахта қуритгич каби янги технологиялар олимларнинг сўнгги йилларда олиб борган ана шундай илмий изланишлари маҳсулидир. Бу ихтироларнинг бир қисми ҳоло. Марказимиз томонидан 2018-2020 йилларда пахта толасини қайта ишлаш бўйича яратилган янги турдаги ишланмалар учун 50 га яқин патент олинган.

СИФАТЛИ ТОЛА ОЛИШ ТАЛАБИ

Сифатли, амалдаги стандарт талабларига (O’zDSt 604-2016) жавоб берадиган пахта толасини ишлаб чиқариш толаги тозалаш, яъни чигитдан ажратиш жараёнидан бошланади. Буни соҳа вакиллари пахта хомашёсини жинлаш, деб атайди.

Ҳозирги кунда пахта тозалаш корхоналаридан нисбатан эскирган “4ДП-130” ва “5ДП-130” русумли аррели жинлар ишлатилмоқда. Улар кўп электр энергия-

си сарфлаши, мураккаб конструкциядан иборатлиги, таъминловчи тизимнинг автоматлаштирилмагани, иш унумдорлиги ва тозалаш самарадорлиги юқори эмаслиги каби камчиликларга эга бўлиш баробарида ишлаш жараёнида тез-тез тасодифий тўхташларни юзага келтиради.

Бундай эскирган ускуналар пахта тозалаш керакли натижани таъминлай олмайди. Бунинг устига, юртимизда қийин тозаланувчан селекцион навли (С-6524, Султон, Ан-Боёвут-2, Наманган-77, Омад ва ҳ.к.) пахта йилдан-йилга кўпаймоқда. 2018 йилда умумий тайёрланган пахта-нинг 50 фоиздан кўпрогини қийин тозаланувчан селекцион навли пахта ташкил этган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич янада ортди. Ана шу жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда, “Пахтаसानоат илмий маркази” олимлари томонидан “8ДП-90” русумли автоматлаштирилган аррели жин ва “5ВП” русумли икки барабанли тола тозалагичга эга бўлган машиналар комплекси ишлаб чиқилди.

Қўл ва машина ёрдамида терилаётган қийин тозаланувчан пахтани юқори самарадорлик билан тез ва сифатли қайта ишлаш замонавий қурilmанинг асосий вазифаси саналади. У пахта толасини тозалаш жараёнида эски русумдаги ускуналарга нисбатан 1,6-2 баробар кўпроқ самарадорликка эга. Натижада кўп билан терилган пахтадан “олий”, машина ёрдамида терилган пахтадан “яхши” сифатли тола ишлаб чиқариш микдори ошади. Машина 25 000 тонна пахта хомашёсини қайта ишлайдиган корхонага ўрнатилганда йиллик самарадорлик ўртача 650 миллион сўмни ташкил этади. Импорт ўрнини тўлиқ босиш имконини берадиган мазкур инновацион қурilmага хорижда ҳам талаб юқори.

Юртимизда сифатли тола ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш мақсадида илмий асосланган янги, замонавий конструкцияли машиналар Бахт, Гулистон, Зирабулқоқ шаҳарлари ва Бўка, Янгиқўрғон, Ғиждувон, Бағдод, Хўжайли туманларидаги бир қанча кластерларда фаол қўлланилмоқда. Шу турдаги асбоб-ускуналар, машина ва

механизмлар Тошкент вилоятидаги “Бўка пахта тозалаш” АЖ, Бухоро вилоятидаги “Жондор пахта тозалаш” АЖ, Сурхондарё вилоятидаги “Ангор пахта тозалаш” АЖ, Хоразм вилоятидаги “Қўшқўприк пахта тозалаш” АЖда синовдан ўтказилмоқда. 2020 йилда яратилган 26 та илмий-техник ишланма синовдан ўтказилди, бу корхоналардан айримларининг фаолиятига таъкид ҳам этилмоқда.

“Пахтаसानоат илмий маркази”дан бир асрга яқин вақт давомида 20 га яқин фан доктори, 70 дан ортиқ фан номзоди етишиб чиқди. Улар томонидан 583 та ихтиро ва фойдала моделга патент олинди.

Хусусан, пахта хомашёсини қабул қилишда шафтофликни таъминлаш учун электрон тарозилар тизими ва қабул қилинаётган пахта хомашёси сифатини тезкор аниқлаш механизми яратилди. Илмий изланишлар доирасида пахта толаси сифат кўрсаткичларини аниқловчи акустик прибор, хомашё навининг ифлослиги ва намлигини аниқловчи автоматлаштирилган лаборатория ускунаси, комбинацияланган моимк тозалагич каби машина ва ускуналар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Давлат илмий-техник лойиҳалари бўйича 2018-2020 йилларда 9 та мавзуда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. 2020 йилда маҳаллийлаштириш дастурига киритилган, илмий марказ иштирокидаги лойиҳалар доирасида умумий қиймати 1,6 миллиард сўмлик 8 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича илмий муассасанинг Халқаро пахта уюшмаси, Пахта бўйича халқаро консультатив қўмита, Халқаро пахтани тадқиқ қилиш уюшмаси, Осие пахтачилик тадқиқот ва тараққийот тармоғи билан муносабатлари янги босқичга кўтарилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, соҳада зуғига хос тадқиқот тамойиллари, усулларига эга бўлган мактаблар яратган олимлар ва уларнинг ёш издошлари бугунги кунда мамлакатимиз пахта-тўқимачилик кластерлари таркибиде фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш корхоналарида мавжуд муаммоларга ечим топишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, илмий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тармоқда илм-фан ютуқларини фаол қўллашга хизмат қилмоқда.

ФАРМОНГА ШАРХ

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАЙДИ

Азиз ДЕҲҚОНОВ,
Адлия вазирлиги бош маслаҳатчиси

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиллигини таъминлаш давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда бу борадаги ва-зифаларни амалга ошириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилиб, бу йўналишда тўпланиб қолган муам-моларни ҳал этиш учун ҳуқуқий асослар тубдан такомил-лаштирилмоқда. Қолаверса, Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган тамойил асосида муҳим чора-тадбирлар амалга ошири-лаётди. Бунинг натижасида аҳоли мувожаатлари билан ишлаш бўйича замонавий тизим шаклланди. Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиллигини ҳамда жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар бажарилди.

Бу борада ислохотларнинг энг муҳим босқичларидан бири — 2018 йилда қабул қилинган "Бюджет маълумотларининг очиллигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги қарор бўлди. 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ахборот-лар батафсил баён этилган, илғор халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган қонун билан тасдиқланиши йўлга қўйилди. "Очиқ бюджет" ахборот портали ишга туширилди. "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси тасдиқланди.

Президентимизнинг қуни кеча қабул қилинган "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиллигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур фармон асосида соҳада ўз ечимини кутаётган кўплаб долзарб масалалар ечими юзасидан янги ва самарали амалиётлар жорий этилди.

Масалан, сўнги вақтларда кўп муҳокама бўлаётган давлат харидлари соҳасини олайлик. Тўғри, охириги вақт-ларда Очиқ маълумотлар порталида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат харидлари тўғрисидаги статистик маълумотлар онлайн режимида жойлаштириб борилмоқда. Бироқ давлат харидлари соҳасида тўлиқ шаффофлиқни таъминлашга эришиш учун ҳали амалга оширилмаган ишлар кўп. Мазкур фармон билан жорий йил 1 июлдан эътиборан ҳар бир давлат органи ва таш-килотчи Очиқ маълумотлар порталида давлат харидлари бўйича барча маълумотларни жойлаштирилади. Хусусан, порталда тендер асосидаги харидлардан ташқари, тўғри-дан-тўғри тузилган шартномалар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топади. Масалан, бирор давлат органи ма-шина ёки компьютер сотиб олмақчи. Илгари бундай харидлар тўғрисида тузилган шартнома олди-сотди қилган икки ташкилотдан бошқа ҳеч қандай эитилмас эди. Энди шундай маълумотлар ҳам очилган.

Яна бир муҳим масала. Барчамиз биламизки, қатор давлат органлари раҳбарлари ва ходимлари тижорат ташкилотларининг қузатув кенгашларига аъзо ҳисобла-нади. Лекин ҳозирча бизда бу ҳақда ҳеч қандай очиқ маълумот йўқ. Энди бундай маълумотлар ҳам очил-ла-

нади ва бу манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини барта-раф этишга хизмат қилади.

Бир қатор давлат идоралари томонидан давлат ор-ганлари ва тadbirkorлик субъектлари фаолияти тек-ширувдан ўтказилади. Бунга бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича молиявий таҳлиллар, солиқ, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа йўналишлардаги текширувларни мисол келтириш мумкин. Шу пайтгача ўтказилган бундай текширувлар ҳеч қерда очилмас эди. Эндиликда бу ҳақдаги маълумотлар ҳам Очиқ маълумотлар портали орқали жамоатчиликка тақдим этилади.

Фармон билан очиқ маълумот сифатида жойлашти-рилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқланди. Бу рўйхат узлуксиз янгилаб борилади. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Адлия вазирлиги бу рўйхатни янада кенгайтириш бўйича доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиб боради.

Эндиликда давлат органлари ва ташкилотлари ҳар йили 1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни расмий веб-сайтига жойлаштирилади, 10 мартга қадар уни кенг жа-моатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беради. 1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманлари ўтказилади. Бу давлат ор-ганлари ва ташкилотлари фаолиятининг кенг жамоатчи-ликнинг хабардорлигини оширишда муҳим қадам бўлади.

Ҳабарингиз бор, тегишли расмий ҳужжатлар асосида тижорат ташкилотларига, ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва бошқона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилади. Аммо бугунги кунгача бундай маълумотлар ошқор қилин-мас эди. Энди бу борада қабул қилинган расмий ҳужжатлар Очиқ маълумотлар порталига жойлаштириб борилади.

Фармонда бундай янгиликлар жуда кўп ва улар ҳаё-тимизда учраб турадиган барча долзарб масалаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Масалан, олий таъ-лим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналиш-ларига кириш учун тест ва ижодий (касибий) имтиҳон-лар, магистратура (клиник ординатура) босқичига қабул имтиҳонлари, ўқишни кўчириш истагини билдирган тала-балардан, хорижий ОТМ дипломини тан оlishда талаб-горлардан оlinадиган тест синовларини онлайн кузатиш имконияти яратилди.

Сўнги пайтларда жамоатчилик ўртасида қизгин муҳо-кама бўлаётган яна бир масала — овчилик фаолияти. Фармонга мувофиқ, Экология ва атроф-муҳитни муҳо-фаза қилиш давлат қўмитаси 2021 йил 1 августга қадар доимий равишда янгилаб туриладиган Ов қилиш ва ов-чилик ҳужжаликларни тўғрисидаги ахборот базасини ўз расмий веб-сайти ҳамда порталга жойлаштирилади. Унда "Ов қилиш ва овчилик ҳужжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 36-моддасида кўрсатилган маълумотлар, овчилик ҳўжа-лигини юритиш учун жой бериш тўғрисида тузилган барча шартномалар, овчилик ҳўжалигини юритиш ҳуқуқи туға-рилган ҳолатлар, ундирилган ҳақ миқдорлари юзасидан маълумотлар бериб борилади. Ёввойи ҳайвонларни ру-хсатномадаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдо-ри каби масалалар ҳам еритиб борилиши таъминланади.

Фармонда соҳадаги ишларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ҳам кўзда тутилган. Жумладан, Давлат хавфсизлик хизмати Адлия вазирли-ги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги қо-нуннинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш белги-ланган. Бундан ташқари, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиллиги тўғрисида"ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Бу чора-тадбирларнинг барчаси, аввало, инсон ман-фаатини муҳофазалаш, халқимиз турмуш фаровонли-гини оширишга хизмат қилади. Қолаверса, мамлака-тимизнинг халқаро рейтинг ва индексларда нуфузини юксалтириш, жамиятимиздаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлади.

МУНОСАБАТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЯНГИ ҚАДАМЛАР: раҳбар масъулияти, кадрлар салоҳияти ва халқаро тажриба



Қуни кеча Президентимиз раислигида олий таълим тизимидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши соҳа ривожидида кескин бурилиш ясаيدиган конструктив таклифлар, мағзи тўқ фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

Учрашувда олий таълим тизимида охириги йилларда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, мамлакатимизда тизимни ривожлантириш борасидаги мав-жуд имкониятлар, дуч келинаётган муам-молар ва уларнинг ечими, тезкор ҳал эти-лиши зарур бўлган топшириқлар ҳақида сўз борди.

Аввало, олий таълимга ёшларнинг қамрови даражаси кескин ошгани нафақат давлат олий таълим муассасалари сони ортгани, балки яна янги икки турдаги таъ-лим даргоҳлари — хорижий университет-ларнинг филиаллари ва хусусий универ-ситетлар ташкил этилишига яратилган имкониятлар билан боғлиқ.

Энг муҳим қадам сифатида олий таъ-лим муассасаларига академик ва молия-вий мустақиллик берилди бошланганини эътироф этиш жоиз. Жумладан, 2019 йил охирида ҳукумат қарори асосида 10 та олий таълим муассасасига молиявий мус-тақиллик берилди. Улар орасида Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳам бор. Президентимиз қарори асосида уни-верситетимизда таълимнинг янги шаклла-рини йўлга қўйиш, ўқитувчилар малакаси-ни ошириш маркази ҳамда бошқа илмий марказлар билан бир қаторда янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар очиш, уларнинг ўқув режа ва дастурларини ҳам мустақил ишлаб чиқиш ваколати берил-ди. Айниқса, хорижий университетлар билан қўшма таълим дастурларининг йўлга қўйилиши талабаларимизга бир пайтнинг ўзида иккита университетда ўқиш ва икки-та дипломага эга бўлиш имконини берди. Хусусан, университетимизда Беларус давлат университети, Корея Республика-сининг Самён ва Кенгдон университетла-ри ҳамда Ҳиндистоннинг Гужарат универ-ситети билан биргаликда ишлаб чиқилган қўшма таълим дастурлари асосида ўқув жараёни ташкил этилди.

Қўшимча оширилган шартнома тўлови асосида университетга талабалар қамро-вини кенгайтириш имконияти берилгани

Гулчехра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори,
Республика олий таълим кенгаши аъзоси

моддий-техник базани мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоқда.

Олий таълим тизимида ишлаётган про-фессор-ўқитувчиларнинг ойлук маоши оширилди. Бундан ташқари, талабалар ва ходимларни қўшимча рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилди. Жумла-дан, давлат стипендияларидан ташқари ректорларга стипендия ва мукофотлар белгилаш ваколати берилди. Бу, албат-та, ёшларнинг илмий-ижодий фаолияти-ни, янги ташаббусларини қўллаб-қувват-лашда ўзига хос мотивация бўлмоқда.

Йиғилишда олий таълим муассасала-ри раҳбарлари учун тўрт устувор вазифа белгилаб берилди.

Улардан энг муҳими, кейингиларининг самарали бўлишини таъминлашда алоҳи-да аҳамият касб этувчи вазифа — олий таълим муассасалари кенгашларининг бошқарувдаги ролини ошириш ва кафедра-лар ваколатини кенгайтиришдан иборат. Кафедра кучли, профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти юқори бўлса, янгидан-ян-ги гоғлар юзага келади. Уларни амалиётга жорий этиш имкони ошади. Шу нуқтаи на-зардан университет кенгашларининг ролини ошириш, айниқса, кўп ваколатларнинг маз-кур кенгашга берилиши айнан олий таълим муассасалари мустақиллигини оширишнинг асосий омилларидан бири бўла олади.

Ўқув режа ва адабиётлар, фан дастур-ларини жорий этиш, профессор-ўқитувчи-лар ўқув юкларини, йўналишдан келиб чиқиб, таълим шакллари (кундузги, ке-ки, сиртки, масофавий) белгилашни олий таълим муассасаси бошқарув кенгаши-нинг ўзи ҳал қилиши катта янгилик.

Соҳада юзага келган ҳар қандай ма-салани тегишли малакага эга, юқори билимли ва салоҳиятли мутахассислар ҳал этади. Президентимиз томонидан қўйилган навбатдаги долзарб вазифа, бу — таълим жараёнини бозор талаблари-га мослаштириш, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун қўлай муҳит ва шароит яратиш масаласи бўлди. Мавжуд таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, касблар классификаторини ҳам замонавий талабларга кўра қайта ишлаб, битирувчилар ва улар ишлайдиган касбларга мувофиқлигига эришиш зарур-лиги белгилаб берилди. Ҳақиқатан ҳам, тез ривожланиб ва жаҳонга интеграцияси кенгайиб бораётган Ўзбекистон меҳнат бозорида кун сайин янги касблар пайдо бўлмоқда. Бироқ улар мавжуд классифи-каторларга киритилмай, мутахассис тай-ёрловчи таълим даргоҳлари билан ҳам-корликда янгиланмаётди. Ушбу долзарб вазифани бажариш келгусида ёшларни мақсадли тайёрлашдан ташқари, улар-нинг ўз фаолиятини режалаштиришида ҳам муҳим омил бўлади.

Олий таълим даргоҳининг бир қан-оти таълим бўлса, иккинчи қаноти тарбия, пойдевори илм-фандир. Илмий асоси бўл-маган масалани ижобий ҳал этиш имкон-сиз. Шу боли, олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш учун

инновацияларни ривожлантириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Жумладан, шарқшунослик соҳасининг кўплаб тармоғи бўйича илмий даражали кадрлар тайёр-лашга охириги икки йилда янги талабаларга мос саъй-ҳаракат қузатилди. Бу борада, Президентимиз белгилаб берганидек, ҳар бир кафедранинг камиди икки хорижий олий таълим муассасаси кафедраси билан ҳамкорлигини таъминлаш, илмий-услубий ишлардаги алоқаларни чуқурлаштириш, биргаликда илмий нашрларни кўпайтириш самара беради. Айниқса, айнан шундай илгор кафедраларга ажратиладиган док-торантура квоталарининг оширилиши ка-федраларга соғлом илмий рақобатни ҳам мустаҳкамлайди. Масалан, шарқшунослик бўйича охириги икки йилда жуда кўп нуфуз-ли хорижий университетлар билан ҳамкор-лик йўлга қўйилди. Уларнинг ҳар бири бил-лан кафедралар бўйича алоҳида режалар иш олиб бориш, айниқса, ёшларни бунга кўпроқ жалб этиш муҳим. Айнан мана шу йўналишдаги ишларимизни ривожланти-риш халқаро нуфузли рейтингларга кириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Ёш олимларни чет элнинг нуфузли олий таълим муассасаларига стажировка-га юбориш орқали илгор хорижий илмий натижалар ва умуман, янги тажрибалар-дан хабардор бўламиз. Айниқса, илмий фаолият ютуқларини ҳаётга, тегишли соҳаларга, ишлаб чиқаришга жорий этишда хорижий тажриба ҳам дарганилади. Бу билан кафедраларга ҳам ўқимиз топиш учун барча шароит яратилади.

Бугунги кунда тўсиқ бўлаётган бюро-кратия ва қозғозбозликни камайтиришда олий таълим тизимида рақамлаштириш, электрон ҳужжат алмашуви, барча фао-лиятни қамраб олган катта электрон ба-заларни яратиш ва мунтазам ишлатиш зарур. Ҳозир олий таълим муассасала-рида йўналишлар бўйича бир қатор элек-трон дастурлар, базалар ишлатилмоқда. Уларни оптималлаштириш, университет фаолиятини қўлай ва самарали бошқа-риш учун янада базани яратиш ва йўлга қўйиш айнан вақт менежментига ҳам иж-обий таъсир этади. Айниқса, турли шакл ва жадвалларни қайта-қайта тўлдирish ва турли сўровларга тинимсиз жавоб бериш ўрнига кафедра ва таркибий бўлинмалар-да натижага йўналтирилган фаолият бил-лан шуғулланиш имконияти ошади.

Бугунги кунда Президентимиз томони-дан олий таълим муассасалари раҳбар-лари олдида қўйилган энг муҳим талаб — ватанпарвар бўлиш. Бунинг замирида катта маъно борлигини ҳар биримиз чуқур масъулият билан ҳис этишимиз шарт. Ўз соҳамизнинг келажаги олдида масъулли-гимизни бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз зарур. Жамоасини яхлит оиладек та-саввур қилиш ва ўзидан яхши ном қолди-риш учун масъул бўлган ҳар бир раҳбар ишониб топширилган вазифани сидқи-дилдан бажарилган Ватанга садоқатини намойиш эта олади. Давлатимиз раҳбари олдимизга қўйган вазифаларни тўлиқ олади этиш университетимиз ва умуман олий таълимда кескин бурилиш ва ривожланиш сари муҳим қадам бўлади, деб ишонаман.

МАЪРИФАТ

ТОШКЕНТДАГИ АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҚЎЛЁЗМАСИНИНГ ДУШАНБЕ НАШРИ



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
вице-президенти,
тарих фанлари доктори,
профессор

Нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти но-моддий маданий мерос сифатида эътироф этган "Шашмақом" туркуми ана шундай муштарак му-сиқий қадриятларнинг юксак намунасидир. Аб-дийятга дахлдор мумтоз мақомларни юзага келти-ришда Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Сафийуддин Урмавий, Абдулқо-дир Мароғий каби қомусий алломаларга муносиб издошлиқ қилган ва уларнинг мусиқий таълимо-

Қадим замонлардан ўзаро қондошу жондош ўзбек ва тожик халқларининг улуг аждодлари ҳамкорликда яратган илмий, адабий ва маданий бойликларини билан жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшиб келгани дунё илму адаб аҳли томонидан аллақачон эътироф этилган.

тини янги босқичга юксалтирган форс-тожик му-тафаккири ва шоири Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад Жомий ҳазратларининг бу борадаги хиз-матларини ҳам алоҳида қайд этмоқ керак.

Темурийларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон-даги ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган, Самарқанддаги машҳур Улугбек мадрасасида диний ва дунёвий фанлардан мукамал таҳсил олган ҳамда муслик бобининг амалий-назарий жабҳаларида беқиёс юксалган қомусий аллома Абдураҳмон Жомий нақшбандийлик тариқатининг йирик намояндаси сифатида Ҳирот шаҳрида са-марали фаолият кўрсатди. Ул зотнинг кўплаб из-дошлари қаторида ўзбек халқининг фаҳри, ғазал мулкунинг султони, йирик мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий ҳам камолот касб этди.

Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўртаси-да дастлаб устозу шогирдлик тарзида бошланган ўзаро муносабатлар кейинчалик ўша даврнинг синовли силсиласида чинакам дўстлик ришта-лари билан мустаҳкам боғландими, бу ҳол ўзбек ва тожик халқлари азалий қардошлигининг юксак тинимига айланади. Бу муътабар зотлар бир-бир-ларини ўзаро маънавий қўллаб-қувватлаши нати-жасида мумтоз адабиёт, шеърини, илму фан ва санъат соҳаларида бебаҳо асарлар юзага келган-лиги алоҳида эътиборга молик.

Бу икки буюк санъаткор ижодий режаларини ўзаро маслаҳатлашишган, ёзган ҳар бир асарини бир-бирларининг назаридан ўтказиб туришган. Бу ижодий ҳамкорлик икки томонлама бўлган, яъни шогирд сифатида Навоий фақат маслаҳат сўраб, Жомий йўл-йўриқ кўрсатибгина қолмай, ўз навба-тида, Навоий ҳам устозига қимматли маслаҳатлар берган ва Жомий уларни инобатга олган. "Жомий Навоийнинг илтимоси бўйича ёнги унга бағиш-лаб йиғирма еттита тожикча китоб ва рисола ёзди. Муаллиф бу ҳолни ўша асарларнинг муқад-димасида эслатиб ўтади", — деб маълумот бе-ради бу ҳақда Садриддин Айний. Жумладан, Мир Алишер Навоийнинг таклифи ва даъвати билан Ҳазрати Жомийнинг "Муסיқага оид рисола" аса-ри XV асрнинг иккинчи ярмида темурий шахзода-лардан Сулеймон Бойқаро бошқарган Ҳирот шаҳрида яратилган эди.

Муסיқашунослик илмига оид бу рисоланинг ноёб қўлёзма нусхаси бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида муаллифнинг бошқа 28 та назмий ва насрий асарлари билан ягона жилдада Жомий "Қўлиёт" и номин билан сақланмоқда.

1990 йилларга келиб халқларимизнинг ўзли-гини англаш жараёни янги босқичга юксалган бир даврда улуг аждодларимизнинг илмий-маънавий

мероси ўлароқ Ҳазрат Жомийнинг "Муסיқага оид рисола"сига бўлган маънавий талаб-эҳтиёж на-фақат муסיқашунослар даврасида, балки фило-логлар, манбашунослар ва фольклоршунослар орасида ҳам янада ортди.

Айни шу талаб-эҳтиёжга жавоб ўлароқ, 1997 йили мазкур рисола ўзбек тилида нашр юзини кўрди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларида мумтоз мақом аъёнлари алоҳида эътибор ва эъзозда. Бу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида "Ўзбек миллий мақом санъати маркази" ташкил этилиб, Шахрисабз шаҳрида "Халқаро мақом санъати анжумани" ўтказила бошлангани ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон фармони билан ҳар йилнинг 12 май кунини "Шашмақом миллий байрами" тарзида нишонла-наётгани таҳсинга сазовордир.

Табиийки, улуг аждодларимиз мусиқий мероси шарафланаётган ҳозирги даврда Абдураҳмон Жомийнинг "Муסיқага оид ри-сола"сига бўлган ижтимоий-маънавий эҳти-ёж янада юксалди. Шу муносабат билан Тожикистон Фанлар академиясининг Ҳазрати Жомий рисоласини давр талаби асосида қай-та нашр этиш ташаббуси билан қилган муро-жаатини Ўзбекистон Фанлар академияси тўлиқ қўллаб-қувватлади. Ушбу рисоланинг ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган ноёб нусхаси Душанбе шаҳрида ўзаро ҳамкор-ликда чоп этилди.



Эзу ниятлар билан бошланган бу хайрли нашр Президентимизнинг ўзбек ва тожик халқларининг асрий дўстона ришталари ва илмий алоқаларини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ҳамда Тожикистон Республикасига тариф доирасида имзоланган ҳужжатларнинг амалий ифодаси сифатида янги ўзаро илмий ҳамкорлик лойиҳаларига муҳим дебона бўлиб хизмат қилади, деган умиддаман.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ УЛУҒ СИЙМОСИ



Улуғбек ДОЛИМОВ, педагогика фанлари доктори

Дарҳақиқат, жадидчилик номи билан тарихга кирган ва миллат истиқлоли, Ватан озодлиги учун кураш олиб борган бу ҳаракат Мунавварқори Абдурашидхон фаолияти билан чамбарчас боғланади. У чор ва шўро салтанатининг мустамлакачилик сиёсатига қарши бирдай кураш олиб борди ва унинг дастлабки қурбонларидан бўлди.

Мунавварқори зиёлилар тоифасига мансуб бўлиб, дастлабки маълумоти анъанавий маҳалла мактабиде, кўпроқ онаси Хосият отиндан олди, Тошкентнинг Юнусхон, Бухоронинг "Мир араб" мадрасаларида давом эттирди, диний илмларни мукаммал эгаллади. У болалигидан халқнинг, Ватанининг фожиали аҳолига гувоҳ бўлди: ёш Мунаввар 1892 йилда Тошкентда юз берган "Бабо кўзғолони"ни ("Тошотар кўзғолони" деб ҳам юритилган — УД.) ўз кўзи билан кўрди: паншаха, кетмон, тош кўтариб чиққан халқ мустамлакачилар томонидан замонавий ҳарбий қуроллар билан қарши олинди, минглаб кўзғолончилар Кайқосов анҳорига гарқ этилди. 1898 йилда Андижонда Мухаммад Алихон бошчилигидаги "Дуқчи Эшон кўзғолони" қонга ботирилди, 20 мингдан ортиқ халқ қириб ташланди, Мингтепа каби юзлаб қишлоқлар тўлга тугилди, қултепаларга айланганлар эди. Шу мунаввар қалбиде мустамлакачиларга нисбатан нафрат туйғуси кўзгалди. Аммо чор Русиясидек дахшатли салтанат ва унинг замонавий артиллерияларига қарши ноҳор, юпун, нодон оломони қарши қўйиш мумкин эмаслигини Мунавварқори ва ҳаммаслақлари туйшунди етди. Бу масалада уларга Исмоилбек Гаспранли, Ризо Фахриддин, Садр Мақсудий, Абдурашид қози Иброҳим каби улуғ ойдинларнинг сиёсий қарашлари, Эрон, Туркияда содир бўлаётган сиёсий ҳаракатлар, Ҳиндистонда кўтарилган халқ озодлик ҳаракатлари таъсир кўрсатди. Айниқса, Ҳиндистоннинг улуғ мутафаккири, маърифатпарвар файласуф Саид Аҳмадонининг (1817-1898) сиёсий қарашлари таъсири остида бўлди. Улуғ файласуф Саид Аҳмадонин ҳам халқ болалари учун янги мактаблар очди, илм-маърифатни инглиз мустамлакачиларига қарши курашда ва мустақилликка эришишда асосий омил деб билди.

Нима қилмоқ керак? Қора халқ онгини оқартириш, илм-фан, маърифат сари етаклаш, уни фан-техника янгиликларига ошно қилиш керак. Бунга эса узок вақт талаб қилса-да, мактаб орқали эришиш мумкин. Ўта оғир таъкиб ва таъйиқлар остида Қримда бутун турк дунёсини тилда, ишда ва фикрда бириликка чакирган Исмоилбек Гаспранли фаолиятини Мунавварқори Абдурашидхон Туркистонда давом эттирди. У 1901 йилда дастлаб Тошкентнинг марказий Шайхонда Тахур даҳасида, бир йил ўтар-ўтмас шаҳарнинг бошқа тўртала даҳасида ҳам дастлабки "усули савтия" методида асосланган "усули жадид" мактаблари очди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, бундай мактаб Бухоро ва Самарқандда Амир Абдулаҳадхон тақлифи билан 1893 йилда Исмоилбек Гаспранли ва маслақдоши Маждид Фанзодда бошчилигида очилган ва 2-3 ойгина фаолият кўрсатиб, губернаторлик томонидан ёпиб қўйилган "усули савтия тадрижия" мактабларининг ўзбеклар томонидан очилган дастлабки намунаси эди. Мунавварқори бундай мактабларнинг кундалик ўқув-тарбия ишлариндан тортиб, йиллик имтиҳонларини ташкил этишга, "усули савтия" методини иқтидорли еш ўқитувчиларга ўргатишдан тортиб, дарслик ва қўлланмалар билан таъминлашга бўлган узулусиз жараёни бошқарди. Унинг бундай фаолияти бутун ўлка зиёлилари, айниқса, педагоглар эътиборида бўлди. Жадидчилик ҳаракатининг Махмудхўжа Бехбудийдек қаровон-бошиси унинг бу фаолиятини қўллаб, "Ойна" журналида махсус мақолалар эълон қилди.

"Мунавварқори Туркистонда етишган миллиятчи ойдинлар учун сўзнинг том маъноси билан айтганда, маслак ва юксак ғоявий илҳомлар манбаи сифатида шухрат топган сиймодир. У йигирманччи юзйилликнинг бошидан 1930 йилларга қадар оралигида Туркистонда кечган барча миллий ҳаракатларда Мунавварқорининг амалиёти ва маслакий раҳбар сифатидаги ўрни ва нигоҳдонлиги кўзга ташланади. Бу даврдаги мактаб таълими изланишларини ва миллий ҳаракатларни Мунавварқорини бир четта қолдириб олиб қараш жуда қийин" (Иброҳим Ёркин. Туркистонда миллий уйғониш ҳаракатлари ва Мунавварқори. "Еш Туркистон" журнали, 1934, 1-сон).

Мунавварқори ўзбек педагоглари орасида биринчилардан бўлиб "усули савтия" методини турк халқининг "Миллат муаллими" шарафли унвонига сазовор бўлган буюк ёзувчиси Аҳмад Мидҳаднинг "Хўжаи аввал" (1865), Исмоилбек Гаспранлининг "Хўжаи сибён" (1884) алифбо дарслиги ҳамда ушбу дарслик учун методик қўлланма сифатида яратган "Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош" асари орқали чўқур ўрганиб чиққан эди. Гаспранли яқин ҳамқори Хасан Сабрий Айвазовнинг "Усули тадрис ва таълим-тарбия" (1906 йил) асаридан бир неча нусхани ўз асарига қўшиб, махсус хат билан Мунавварқорига юборгани маълум. Улуғ педагог биринчилардан бўлиб, бадан тарбияси ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ўқув предмети сифатида дарс жадвалига киритди, улар учун маршлар, шарқиялар яратди. Аммо тез орада мутаассиб дин пешволари ва мустамлакачилар қаршиликларига учраб, жадвалдан олиб ташланди.

Мунавварқори Абдурашидхон йирик нотик ва педагог, қомусий билимлар соҳиби, фаол сиёсий арбоб сифатида миллат сиёсий онгининг ўсишида матбуот ва хайрия жамяятларининг улкан аҳамиятига алоҳида эътибор берди. У ўзбек миллий матбуотининг тамал тошини қўйган мутафаккирдир. Улқада дастлаб фаолият кўрсата бошлаган "Тараққий", "Тужжор", "Шухрат", "Осиё", "Садойи Туркистон", "Ал-ислоҳ" каби газета ва журналлар бевосита унинг маънавий раҳнамолигида ташкил этилган ва фаолият кўрсатган. "Хуршид" газетасида муҳаррирлиқни ўзи олиб борган.

Партия мақомида бўлган хайрия жамяятлари, ширкатлар, матбаа ва нашриётлар миллат истиқболи йўлида истиқлол фидойилари — жадидлар билан миллат мулкдорларини бир мақсад сари бирлаштирди. Мактаб очиш — улуғ иш, аммо бу фақат ишининг бошланишидир: пул ва маблағ билан ҳал қилинадиган катта-катта муаммолар ундан кейин бошланади. Айниқса, мустамлака шароитида миллат маорифига маблағ ажратиши ўқда турсин, қаттиқ таъкиб ва таъйиқ остида олинган, бунинг устига, асплар давомида мактаб ва мадрасаларни иқтисодий жиҳатдан таъминлаб турган вақф мулкларига ҳам губернаторлик маъмурулари эгалик қилар эди. Бундай шароитда миллатпарвар, ватанпарвар мулкдорларимиз олижаноб урф-одатларга биноан ёрдам қўлларини чўзди. Бундай ишларни амалга оширишда Мунавварқори Абдурашидхон бошчилигидаги хайрия жамяятлари, қўшма ширкатлар фармонбардор бўлди. Мунавварқори ўзи жамяят очиш билан шугулланиб қолмай, турли вилоятлардаги маориф фидойилари учун жамяят очиш қонун-қоидалари ҳақида мақолалар эълон қилди: "... Бунинг учун энг яхши чора жамяят ташкилидир. Яъни расмий бир қонун доирасида халқдан иона йилги, очилмиш мактаб нуқсон ва эҳтиёжларин енашлик ила ислоҳ қилмоқ ва адо этимақ усулини ижод этишишлар. Бора-бора бу жамяят шу қадар тараққий қилмиши, маданий миллатларнинг бутун тараққиёти ва эҳтиёжияти миллиялар учун ишончли суянчқ ўлимийш ва уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иқинчиси жамяят экан. Ҳозир кўп ерларда мактабни иқинчиликка қолдириб, биринчи босқичлик номи муқаддасасини жамяят ўзига олмишдур" (Мунавварқори. Жамяят қандай очилур? "Садойи Туркистон", 1914, 14 июнь).

Мутафаккирининг бундай саъй-ҳаракатлари натижасида улканнинг Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Наманган, Бухоро каби йирик шаҳарларда хайрия жамяятлари, ширкатлар, турли нашриёт ва матбаалар фаолият кўрсата бошлади. Албатта, бундай ишлар мустамлакачиларнинг минг бир чигиринидан ўтказилар, қаттиқ назорат остида бўлар эди.

Мунавварқори Абдурашидхон 1913 йилдан ўз атрофида Абдулла Авлоний, Башируллохон Асадуллохон Хўжаи ўғли, Убайдулла Хўжаев, Саъдулла Турсунхўжаев, Саидқаримбой Саидқазимбой ўғли, ака-ука Комилбек ва Каримбек Норбековлар, Фанзуруллохон Худоевлар, кейинроқ Турор Рисқулов каби хур фикрли ёшларни тўплади. Дастлаб у "Турон" жамяяти, Абдулла Авлоний эса "Турон" театр труппасини ташкил этди. Шуни ҳам унутмаслик керакики, театр труппаси фаолиятида унинг бадий раҳбари, Мунавварқорининг яқин сафдоши, бир қанча драмалар муаллифи, режиссёр Абдулла Авлонийнинг хизматлари катта бўлди. Ўзбек миллий драматургиясининг биринчи намунаси "Падарқуш" драмасини сахнага олиб чиқаришда Абдулла Авлоний "Турон" труппаси билан буюк ишни амалга оширди. Ўзбек миллий драмасининг сахнага олиб чиқиши ва ўзбек миллий театрининг дунёга келиши муносабати билан нутқ ирод этиш қомусий билимлар соҳиби Мунавварқори Абдурашидхонга муносиб кўрилди. Мақзур нутқи унинг турк, озарбайжон, татар, шунингдек, Европа адибларининг асарларини мукаммал билувчи олим эканини кўрсатган эди. Ушбу нутқ "Туркистон виллоятининг газети"да тўла эълон қилинган. Уша давр матбуоти бу кунни "тарихий кун" деб эълон қилди. Мустақиллик шарофати билан "Падарқуш" драмасининг Тошкент Қозилей театрида намойиш этилган кун — 27 февраль Ўзбек Миллий театримизнинг тугилган кун деб белгиланди. Мунавварқори драматург бўлмаса-да, "Падарқуш" драмасини сахнага олиб чиқаришда кат-

та меҳнат сарф қилди, Абдулла Авлоний бошчилигида Тавалло, Саъдулла Турсунхўжаев, Абдулла Қодирий, Маннон Уйғур каби бадий ижод аҳлини ишга солди. Шунинг учун ҳам халқ асарининг бир неча бор намойиш этилишини талаб қилди. Атоқли жадид шоири Тавалло бу буюк воқеага бағишлаб учта шеър битди. Унда миллатнинг барча зиёлилари "маънавий отамиз", "Туркистон жадидларининг раҳнамоси" деб эъзозлаган улуғ мутафаккир ҳақида қалб сўзлари бор.

Миллатнинг маънавий ҳаётида театр энг таъсирчан санъат сифатида аҳамияти буюк, шунингдек, ёшларда илм-маърифатга рағбат уюғотишдаги аҳамияти ундан ҳам буюроқ. Янги очилаётган усули жадид мактабларига моддий ёрдам кўрсатиш учун пул топишда театр томошалари муҳим аҳамият касб этди. 1914 йили "Турон" труппаси жамоаси Абдулла Авлоний бошчилигида Фарғона водийси шаҳарлари бўйлаб сафарда бўлади. Мақсад "Падарқуш" спектаклини халққа намойиш этиш, томошасидан тушадиган маблағни Фарғона водийси шаҳарларида фаолият кўрсатаётган усули жадид ва усули қадим мактаблари эҳтиёжларига — дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари нашр этишга сарфлаш эди.

1916 йил охирида Мунавварқори Абдурашидхон Абдулла Авлоний, Қомилбек ва Каримбек Норбековлар билан бирга "Муаллимлар жамяяти"ни ташкил этди. Жамятининг асосий мақсади иқтидорли ёшларни тараққий этган чет эл олий ўқув юрталарига юбориш, Ватанимизда келгусида очилажак олий ўқув юрталари учун замонавий олий маълумотга эга бўлган мутахассис-педагоглар тайёрлаш, жадид мактаблари ташкил этиш ва улар учун дарсликлар, ўқув адабиётлари нашр этиш эди. Айниқса, бу тadbирларнинг иқтисодий жиҳатини жамяят ўз зиммасига олди. Жамяят ўлка зиёлилари билан маърифатли, басиратли мулкдорларни бир мақсад сари бирлаштирди, шундай улуғ мақсадларга бағишлаб бир неча мажлисларни режалаштирди. "Турк эли" газетасининг ёзишчиси, мана шундай йигинларнинг энг эътиборлиси 1917 йил 24 сентябрда, ақшанба кунни кечқурун Мунавварқори Абдурашидхон меҳмоноҳонасида ўтказилди. У ўз уймада уюштирилган "миллий зиёфат"га 100 кишини махсус даъватнома билан таклиф этди, чамаси 60 киши бу "даъватга ижобат қилиб" таъриф буюрди. Зиёфатда Озарбайжондан келган атоқли педагог Мухаммадмин Афандишода ҳам қатнашиб, нутқ сўзлайди: "Мен бу зиёфатни "Муаллимлар жамяяти" қандай мақсад ила ясагонлигининг авеалидан хабардор эмасман, лекин бу жамяят ташкилидан олиб, муқаддас хизматлар ишлаб келгонида ва минъабъ шундай хизматлар ила машғул бўлмоғига тавом қанаот ҳосил қилгонлигиндан сиз — мухтарам ағниелар ёрдам ва ахли хизматларимизни шу жамятга берман қўларинизни чўзмоққа таклиф қиламан. Яшасун фидокор муаллимлар ва яшасун уларга ёрдам қилмоқчи лозим билан муслмон қардошлар!" ("Турк эли" газетаси, 1917 йил, 24 сентябрь).

"Миллий зиёфат"ни ташкил қилганлар ҳам, унда иштирок этганлар ҳам, Миллат ва Ватан истиқболи йўлида юналар берганлар ҳам бутун Туркистон ўлкасининг улуғ хурмат ва эътиборга лойиқ кишилари, Миллат, Ватан фидойилари эди. Улар Миллатнинг порлоқ келажиги, истиқлоли учун молларинингизни эмас, ҳатто эъзи жонларини ҳам фидо қилган шахслар бўлиб, қўлири мустабид шўро ҳукумати қатагонларининг қурбони бўлди. Мунавварқори ўз нутқида маърифатли бойларни Миллат, Ватан истиқболи учун "Муаллимлар жамяти"га моддий ёрдам кўрсатишга даъват этди. Шундан сўнг 46 киши кўнглидан чиқариб, имкониятлари даражасида бундай хайри ишлар учун жамяят фойдасига пул берди. "Турк эли" газетаси тахририяти катта хурмат ва эҳтиром билан уларни номма-ном тилга олган. Бу йилда қилган нутқ сўзлаган Мунавварқори жамяят учун иона қилинган 5585 сўм (рубль) маблағ асосан иқтидорли ёшларни чет элда ўқитиш ҳамда жадид мактаблари учун дарсликлар нашр этишга сарф этилажаги ҳақида гапирди.

1920 йилларнинг бошларида ҳам Туркия ва Германия олий ўқув юрталарига талабалар юбориш, уларга иқтисодий ва маънавий ёрдам кўрсатиш давом этди. Бундай ишларни Мунавварқори Абдурашидхон, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Турор Рисқуловлар бошқарар эди. Уқишни битириб келган ёшларнинг Тошкентда Муслмон халқ дорилфундунида муаллим сифатида фаолият кўрсатишини асосий мақсад қилган эди. Шўро ҳукуматининг ҳар қандай қатагон ва тўсиқлари, камситишларига, руслаштириш сиёсатига қарамай, ўрта Осиё ва Қозғонстан халқлари маънавияти, илм-фани тараққиётида бевосита Мунавварқори раҳнамолигида ташкил этилган Муслмон халқ дорилфундуни (Ўзбекистон Миллий университети) хизмати буюк. Ўрта Осиё ва Қозғонстан халқлари илм-фани ва маънавиятининг қўллаб буюк арбоблари ҳудди шу муқаддас ўқув максаидиндан етишиб чиқди.

Мунавварқори Абдурашидхон ҳаётининг сўнгги ўн йиллигида, айниқса, унга қарши сиёсий таъкиб ва таъйиқ кескин кучайди. 1921 йилнинг мартдан 1 декабригача давлат тўнтаришида айбланиб, қамоққа олинди, аммо айблов тасдиқланмагач, озод этилди. 1922 йилда у "Наши маориф" жамяти-



Мунавварқори Абдурашидхон йирик нотик ва педагог, қомусий билимлар соҳиби, фаол сиёсий арбоб сифатида миллат сиёсий онгининг ўсишида матбуот ва хайрия жамяятларининг улкан аҳамиятига алоҳида эътибор берди. У ўзбек миллий матбуотининг тамал тошини қўйган мутафаккирдир. Ўлқада дастлаб фаолият кўрсата бошлаган "Тараққий", "Тужжор", "Шухрат", "Осиё", "Садойи Туркистон", "Ал-ислоҳ" каби газета ва журналлар бевосита унинг маънавий раҳнамолигида ташкил этилган ва фаолият кўрсатган. "Хуршид" газетасида муҳаррирлиқни ўзи олиб борган.

ни тузади. Ўзи таъкибда бўлгани сабабли жамяятга раҳбарлиқни яқин шоғирди, ҳаммаслаги Шокиржон Раҳимийга юқлайди, ўзи эса раҳбар муовини сифатида фаолият кўрсатади. 20-йиллар бошида амалга оширилган маориф соҳасидаги барча тadbирлар бевосита Мунавварқори номи билан боғланади. Жамятининг асосий мақсади "октябрь инқилоби" деб аталмиш тўнтарил тўфайли парокандаликка юз тутган мактаб ва маориф, маданият ва илм-фан ишларини ташкилий асосда йўлга қўйиш ҳамда жонлантириш, мактаблар учун ўқув адабиётлари яратиш ва нашр этиш эди. Ушбу ташкилот шўро таъйиқи остида ушбу фаолият кўрсата олмаган бўлса-да, катта ташкилий ишларни амалга оширишга улгурди.

Мунавварқори Абдурашидхон 1929 йилда иккинчи марта шўро ҳукумати томонидан қамоққа олинди ва Москванинг Бутирка зиндонига ташланди. Унинг бу сафар дахшатли шўро зиндонидан омон чиқишига кўзи етмас эди, лекин ўз маслағидан қайтмади. "Мунавварқори тўдаси" номини олган иш юзасидан тергов ишлари 1931 йил 23 апрелгача, яъни отилгунларигача давом этди. У Ваганково қабристонига яширинча қўйилди.

Мунавварқори Абдурашидхон барча етакчи жадид мутафаккирларига нисбатан шўро ҳукумати сиёсатининг дахшатли моҳиятини анча олдин кўра олди, унга қарши кураш олиб борди ва унинг дастлабки қонли қатағонига гирифторм бўлди, шунингдек, уларнинг барчасидан кем оқланди. Албатта, бунинг объектив сабаблари бор эди. Афсус билан айтиш керакики, ҳатто унинг хоки поки ўз она-Ватани тупроғига ҳам насиб этмади.

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси Мунавварқори Абдурашидхон Муслмон халқ дорилфундуни (Ўзбекистон Миллий университети) том маънодаги асосчиси эди. 1918 йилда Тошкентнинг янги шаҳар қисмида А.В. Попов бошчилигида рус халқ университети ташкил қилиш ҳаракатлари Мунавварқори Абдурашидхон бошчилигида муслмон ёшлари учун ҳам халқ дорилфундуни ташкил қилиш ишларини тезлаштириб юборди. 1918 йил 9 апрелда у фаол сафдошлари — жадид маърифатчиларини ўз ҳовлисига тўплади ва 9 кишидан иборат "Муслмон халқ дорилфундуни ташкилот комиссияси"ни тўзиб, ташкилий ишларни бошлаб юборди. Улар Мунавварқори, Бурхон Ҳабиб, Мухтор Бакир, Мурод Хўжа, Абдусамеъкори Зиёбоев, Исо Тўхтабоев, Содиқ Абдуқаттооров, Ҳайдар Шавқий, Камол Шамс эди. Ушбу ҳайъат бир ой давомида ўн марта йилгилни ўтказди. Йилгилни ҳисоботлари "Халқ дорилфундуни" газетасининг 1918 йил май-июль сонларида берилган. Ташкилот ҳайъатининг 3 май кунни бўлиб ўтган мажлисида дорилфундун раҳбариятига сайлов ўтказилди, унда Мунавварқори Абдурашидхон раис (ректор), Исо Тўхтабоев раиснинг биринчи муовини, Бурхон Ҳабиб иккинчи муовини, Абдусамеъкори Зиёбоев хазиначи, Мухтор Бакир саркобти бўлиб сайланган. Улканнинг Самарқанд, Бухоро, Наманган, Қўқон ва бошқа вилоятларида шўрбалари ҳам иш бошлади.

Истиқлол бор ҳақиқатни очик айтиш ҳамда ёзиш имкониятини берди. Ватанимизда дорилфундунининг тамал тошини Мунавварқори қўйган, расмий очилиш маросими эса Ленин декретига имзо чеккан 1920 йил 7 сентябрда эмас, 1918 йил 12 майда собиқ Вижула Морозов савдо ширкати биносида (Шуролар даврида Ёш томошабинлар театри) тантанали равишда бўлиб ўтган. Очилмиш тантанасини машҳур этнограф-олим Абоабкар Диваев бошқарган ва ректор Мунавварқори Абдурашидхон нутқ сўзлаган. Бу тарихий ҳақиқатнинг қарор топиши учун қарийб 80 йил вақт керак бўлди. Шу тариқа, 1995 йилдан эътиборан университетнинг ташкилотчиси ва биринчи ректори сифатида унинг исми-шарифи ва расми шу кунгача раҳбарлик қилган ва раҳбарлик қилаётган ректорларнинг биринчиси бўлиб ўз ифодасини топди.

Дарҳақиқат, жадид мутафаккирлари Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини бошлаб берган эди. Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Уқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи эътиборлидир: "Қўпчилик зиёлилар қатори мен ҳам бир фикр-ни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Уччи Ренессансини йигирманчи

асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонқуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, улкани жаҳолат ва қоқоқликдан олиб чиқиб, миллатимизни гафлат ботқоқидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар. Улар "Илмдан бошқа нажот йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас" деган ҳадиси шарифни ҳаётини эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-хўнарларни эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар".

Шавкат Мирзиёевнинг мустакил Ватанимизнинг Президенти лавозимига сайланиши билан, айниқса, маорифимизда туб сифат ўзгаришлари даври бошланди. Тула ишонч билан айтиш керакики, бундай ўзгаришлар — Миллий Уйғониш — Учинчи Ренессанс пойдевори бутун давлатимиз раҳбари раҳнамолигида яратилмоқда. Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев қатагон қурбонлари — Миллий уйғонинг даври мутафаккирларининг ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик фаолиятига катта эҳтиром билан қарамоқда. Наманган вилоятининг Тўрақотон туманида буюк маърифатпарвар Исҳоқхон тўра Ибрата бағишланган катта ёдгорлик мажмуаси, чет тилларни қўқураштириб ўргатишга қаратилган Исҳоқхон Иброт номи мактаб-интернат, Тошкентда Абдулла Қодирий ижод мактаби, уй музейини ташкил этиш бор бўлди, ҳамма вилоятларда ўнлаб турли фанлар қўқураштириб ўргатиладиган махсус мактаблар, ижод мактаблари очилмоқда. Айниқса, 2020 йилнинг 1 октябрида Истиқлол қурбонлари, жадидчилик ҳаракатининг том маънодаги раҳнамолиги Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхоннинг Президентимиз фармони билан "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланишлари халқимизнинг улар олдидаги қарзларини адо этишда дастлабки буюк қадам бўлди.

Шу ўринда ёзувчи-драматург, адабиётшунос олим Шухрат Ризаевнинг "Нурли маёк" (Тарихий машваратдаги йўллар) мақоласидаги қуйидаги қалб сўзларини эслаш ўринли: "Ўзбекистон Миллий университети ҳозир Мирзо Улуғбек номида. Бу ўз вақтида улуғ ниятлар билан берилган унвон ва шараф, албатта. Аммо яқин кўнларда биз Самарқанд давлат дорилфундуни бундан 600 йил муқаддам Мирзо Улуғбек мадрасаси олиясини илгиз илгиз олган шонли тарихий санасини байрам қилиш тараддуқидамиз. Бу масалага Уқитувчи ва мураббийлар кўни арафасидаги тарихий машваратда давлатимиз раҳбари алоҳида тўхтади ҳам. Хуллас, таклиф-муддаоки, ҳақ жоғира қарор топиб, Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек номи билан, Ўзбекистон Миллий университети эса Мунавварқори Абдурашидхон номи билан шарафланса, адолатнинг яна бир тантанаси бўлади!" (Яъни Ўзбекистон" аэзатаси, 2020 йил, 8 октябрь).

Бу таклиф-муддаога баъзи бир тарихчи-олимпаримиз эътироз билдиради. Албатта, уларнинг фикрини ҳам ўйлаб қўриш керакдир. Дунёда энг буюк ўн алломанин бири сифатида эътифдор этилган Улуғбек номи ўзи ташкил этган Улуғбек мадрасаси олиясиндан униб чиққан ва 600 йилгилни нишонлаш арафасида бўлган Самарқанд университетига бериш ҳақиқатнинг тўла тантанаси бўлиши билан бирга, Мирзо Улуғбек номи янада улуғлаш эмасми?! Яна минг йиллар ўтар, Мирзо Улуғбек инсониятининг буюк олими, мутафаккири, давлат арбоби сифатида барқарор туреваради, инсоният бу зоти шарифни ҳеч қачон унутмайди. Бу — ибодат талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Азалдан Шарқу Фарбада қўллаб олимун санъаткорлар ихтироларини яратувчиларининг номи билан аташган. Одам ва ҳайвонларнинг ички аъзолари ҳолатини кўрсатувчи ноёб асбоб унинг яратувчиси, Нобель мукофотининг соҳиби, физик олим Рентген (Вильгельм) номи билан аталади. Электр токи қўчирини ўлчов бирлиги "ампер" француз физиги Ампер Андре Мари номига қўйилган. Христофор Колумб флотида хизмат қилгани ва Америка қитъасини кашф этишда катта фаолият кўрсатгани учун Америк Веспуччи номи билан "Америка" деб аталган. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Минг йиллар давомида рубъи масқунда Самарқандга тенг баҳоланадиган шаҳар жуда кам учраган. Дунёни лол қолдириб келётган "Улуғбек мадрасаси", "Улуғбек расадхонаси", "Улуғбек академияси" категория замонавий илм-фан тарқатувчи "Улуғбек мадрасаси олияси"дан илгиз олган университетининг Мирзо Улуғбек номи билан музайян этилиши натижасида Самарқанд сайқали янада равшанроқ порлайди, дея умид қиламиз.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ
Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2005.
78817 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳосини келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона маъноси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асқоров
Мусаҳҳих: Ойдин Алъутдинова
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА яқуни — 02:05 Тошхирлиди — 03:05